Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН
№ 121 (13.983).

1968 МАЙ 26 ЯКШАНБА

«КОСМОС-221» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1968 йил 24 майда Совет Иттифоқида ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-221» учирилди. Йўлдошга ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдош параметрлари қуйидагича бўлган орбитага чиқарилди: бошланғич айланиш даври 108,3 минут; Ер юзасидан максимал узоқлашуви (апогейида) — 2108 километр; Ер юзасидан минимал узоқлашуви (перигейида) — 220 километр; орбитанинг оғиши — 48,4 градус.

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари, орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема, приборлар ва илмий аппаратларнинг ишлаши тўғрисидаги маълумотларни Ерга юбориб турадиган радиотелеметрик система бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

ПЛАНЛАШТИРИШ ВА КИБЕРНЕТИКА

Планлаштиришнинг баланс усули кенг қўлланилган тақдирдагина халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини уйғун ривожлантириш мумкин. Халқ хўжалигининг балансини синчковлик билан, миридан-сиригача ишлаб чиқиш эса кўпдан-кўп ҳисоб-китоб ишларини бажаришни тақозо этади. Шу боисдан ҳам бу соҳада планчилар ва иқтисодчиларга электрон-ҳисоблаш техникаси қўл келади, унинг ёрдами билан бу ҳисоб-китобларни тез, осон ва соз бажариш мумкин. Кейинги вақтларда планлаштиришда иқтисодий-математик усуллар ва ҳисоблаш техникасини қўлланишга катта аҳамият берилаётганлигининг боиси ҳам худди ана шундадир.

Эндиликда республикамиз экономикаси шу қадар тараққий этиб кетди ва шу қадар кенг тармоқ бўлиб кетдики, планлаштиришда электрон-ҳисоблаш машиналарини қўллашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Республика план органлари жуда мураккаб масалаларни ечмоқдалар. План тузишда эса ҳисобсиз маълумотларни таҳлил этиш, солиштириш ва хулосалар чиқариш лозим. Ана шу маълумотларни фақатгина электрон ҳисоблаш машиналар ёрдамида ишлаб чиқиш керак. Ҳозир мутахассисларнинг катта армияси, олимлар, иқтисодчилар, математиклар планлаштиришнинг умумий системасини ва ҳисоблаш марказларининг ягона тармоғини тузиш ҳақида қайғурмоқдалар.

Республикамизда ҳам иқтисодий-математик усуллар ва ҳисоблаш техникасини планлаштиришга жорий этиш борасида бир қанча ташкилий-техникавий масалалар ҳал этилди. Бундан икки йил муқаддам Ўзбекистон ССР Давлат план комитети ҳузуридаги саноат экономикаси бюросида иқтисодий математик усуллар ҳамда ҳисоблаш техникаси бўлимлари тузилди. Ана шу бўлимларга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кибернетика институти (унинг ҳузурида ҳисоблаш маркази ҳам бор) илмий методик раҳбарлик қилмоқда. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, Фанлар академиясининг юқорида номи зикр этилган кибернетика институти ишлаб чиқариш билан, республикамиз планлаштирув органларининг штаби бўлган республика Давлат план комитетига халқ хўжалик планларини тузишда энг прогрессив усуллардан фойдаланишда кўмак бермоқда.

Саноат экономикаси бюросининг иқтисодий математик усуллар бўлими халқ хўжалиги планларини, хусусан республика ижтимоий маҳсулоти ва миллий даромадини ҳисоблашда электрон машиналардан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқмоқда. Ўтган йили кибернетика институти Давлат план комитети мутахассислари билан ҳамкорликда аҳолининг пул даромадлари ва харажатларини автоматик ускуналарда ҳисоблаш йўлларини асосламоқда. Шунингдек, олимлар ва мутахассислар ҳамкорликда республикада ёнилғи сарфининг жорий ва перспектив планларини машиналар ёрдамида ҳисобламоқда. Республикамиз халқ хўжалигининг айрим тармоқлари тараққиёти ва янги корхоналарни жойлаштиришни планлаштиришда ҳам электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида тадқиқотлар ўтказилмоқда. Кўриниб турибдики, халқ хўжалигига иқтисодий математик усуллар ва ҳисоблаш техникасини қўллаш борасида дастлабки қадамлар қўйилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўтган йили «Республика халқ хўжалигига ва планлаштиришга иқтисодий-математик усуллар ҳамда ҳисоблаш техникасини жорий этиш тадбирлари ҳақида» махсус қарор қабул қилган ва унда халқ хўжалигини ривожлантиришда оптимал планлаштириш усулларидан кенг фойдаланиш бўйича йўл-йўриқлар аниқ-равшан кўрсатилган эди.

Республикамизнинг олимлари, планчилари ва иқтисодчилари ҳамда халқ хўжалигининг турли-туман соҳаларда ишлаётган мутахассислар электрон-ҳисоблаш машиналари ҳамда математик усуллардан кенг фойдаланиб, халқ хўжалигини бошқариш ҳамда оптимал планларни комплекс ишлаб чиқиш борасида самарали ишламоқдалар. Ана шу ишларга раҳбарликни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон ССР Давлат план комитети ҳамда республика Фанлар академияси ҳузурида махсус секция ишлаб турибди.

Оптимал планлар ишлаб чиқиш борасида ҳозиргача амалга оширилган ишлар «хамир учидан патир» десак арзийди. Ҳисоблаш марказларининг базасини мустаҳкамлаш ҳақида, шу билан бир қаторда мавжуд машиналардан тўлароқ фойдаланиш тўғрисида жиддий ўйлаб кўриш керак. Айрим масалаларни машина бир зумда ҳал қилиб беради-ю, лекин олинган натижалар ойлаб қайта ишланади. Бу эса машинанинг самарасини туширади, меҳнат унумдорлиги пасайиб кетади. Республика Марказий статистика бошқармасида электрон ҳисоблаш машиналари бир кеча-кундузда 9-10 соат банд бўлаётган бир вақтда кўпгина корхоналар ва ташкилотларда, хусусан Ўзбекистон Давлат лойиҳа институти ва «Гидропроект» каби лойиҳа ташкилотларида электрон ҳисоблаш машиналаридан бир суткада бор-йўғи 3-4 соат фойдаланиляпти, холос. Демак, йирик ҳисоблаш марказлари тузиш ва ҳисоблаш техникасидан максимал фойдаланиш ҳақида жиддий ўйлаб кўрилса арзийди.

Халқ хўжалигининг ҳамма соҳасида бўлганидек планлаштиришда математик усуллар ва электрон техникадан фойдаланишнинг муваффақияти ҳам даставвал кадрларга, уларнинг малакаси, билими ва қобилиятига боғлиқ. Шу боисдан ҳам билимдон мутахассислар тайёрлашга эътиборни кучайтиришимиз лозим бўлади. Олий ўқув юртларида иқтисодий кибернетика факультетларини очиш пайти келди. Чунки, электрон-ҳисоблаш машиналари тобора кенгроқ қўлланилмоқда, уларни бошқариш учун эса билағон иқтисодчи-инженерлар зарур. Ҳозир ҳисоблаш марказларида, асосан математиклар ишламоқда. Уларнинг иқтисодий билимлари етарли бўлмаганлиги туфайли ҳам иқтисодий кибернетика бўйича мутахассислар зарурлиги очиқ-равшан сезилиб турибди. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта таълим министрлиги эса ҳисоблаш техникаси ремонти ва қарови бўйича техник-механиклар тайёрлашни назардан қочирмаслиги лозим.

Кибернетика ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларига сингиб бормоқда. «Ақлли машиналар» энг мураккаб масалаларни ҳал этишда инсоннинг кўмакчиси ва дастёри бўлиб қолмоқда. Халқ хўжалигида электрон ҳисоблаш машиналари ва математик усуллардан фойдаланиш беш йиллик вазифаларни муваффақиятли бажаришга хизмат қилади.

ДЎСТОНА УЧРАШУВЛАР

ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИДА

ТАХИАТОШ, («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Бу ерни энергетиклар шаҳри деб аташади. Тожикистон адабиёти ва санъати ўн кунлиги қатнашчиларидан бир группаси ана шу ажойиб энергетиклар шаҳри меҳнаткашларининг азиз меҳмони бўлишди. Декада қатнашчиларини ишчилар, колхозчилар, зиёлилар ҳамда мактаб ўқувчилари тантанали равишда кутиб олиш учун йиғилишган эди. Тожикистон ССР маданият министри М. Назаров раҳбарлигидаги меҳмонларни Тахиатош шаҳрида Хўжайли район партия комитетининг биринчи секретари О. Ражабов, район ижроия комитетининг раиси С. Юсупова, шаҳар ижроия комитетининг раиси А. Ҳолбоевлар кутиб олдилар. Уч авлод вакиллари тўпланган ана шу тантанали учрашувда азиз меҳмонлар шаънига илиқ гаплар изҳор этилди. Тахиатош ГРЭСининг директори Л. Бурд гигант корхонада учинчи турбогенераторнинг ишга тушганлигини зўр мамнунлик билан маълум қилади. 1970 йилга келиб умумий қуввати 450 минг киловаттга етадиган ана шу йирик иншоотни тожик дўстларимиз зўр қизиқиш билан кўздан кечирдилар.

Шундан сўнг Хўжайли районидаги Ленин номли колхоз меҳнаткашлари ўн кунлик қатнашчиларини ўз хўжаликларида очиқ кўнгиллилик билан кутиб олишди. 1460 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил кўтариш учун кураш олиб бораётган ана шу колхоз раиси Ж. Бекмуродов азиз меҳмонларни колхоз ҳаёти билан таништиради. Декада қатнашчилари Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган 63 жангчи ҳайкали ёнига келишиб, гулчамбар қўйдилар. Колхоз маданият саройида тожикистонлик санъаткорлар томонидан катта концерт қўйиб берилди.

Куннинг иккинчи ярмида Хўжайли шаҳридаги Қизил майдонда Тожикистон адабиёти ва санъати ўн кунлиги қатнашчиларига бағишланган катта учрашув йиғилиши бўлиб ўтди. Бу ерда ҳам қардош санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА

Ўзбекистонда ўтаётган тожик адабиёти ва санъати декадаси қатнашчиларининг бир группаси 23 майда Қўқонга келдилар. Оташин шоир Ҳамза Ҳакимзода ватанида меҳмонлар зўр хурсандчилик билан кутиб олиндилар. Уларга миллий одат бўйича нон ва туз тутилди. Шаҳардаги Фурқат номли маданият ва истироҳат боғида катта кеча ўтказилди.

24 майда меҳмонлар Фарғона водийсининг кўркам Марғилон шаҳрига кириб келдилар. Машҳур Марғилон шойи комбинатининг клубида дўстлик учрашуви бўлди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Мўмин Муҳиддинов меҳмонларни қизғин табриклади. Делегация бошлиғи Тожикистон ССР Министрлар Совети Кинематография давлат комитети раиси С. Мирзошоев, драматург Сотим Улуғзода, Аминжон Шукуҳий, Мўмин Қаноат, Убайд Ражаб ўртоқлар Марғилон аҳлига тожик халқининг қизғин саломини етказдилар.

Сўнгра меҳмонлар Ҳамзаободга йўл олдилар. Бу ерда инқилоб куйчиси улуғ Ҳамза Ҳакимзода мақбарасига гулчамбарлар қўйдилар.

«Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан.

ДЎСТОНА КУТИБ ОЛИШ

Декада қатнашчилари Янгийўлдаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоздан йўлга чиқишиб, Мирзачўлга келишди. Қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар Сирдарё соҳилида азиз меҳмонларни гулдасталар билан, музика садолари ва рақслар билан, қизғин салом сўзлари билан кутиб олишди. Атроф-теваракдаги хўжаликларнинг вакиллари, Сирдарё областининг партия ва совет ходимлари шу ерга тўпланишди. Сирдарё область ижроия комитетининг раиси Е. Тасанбоев декада қатнашчиларини кутиб олиб, Мирзачўл диёрида уларни самимий табриклади.

Тожик адабиётининг оқсоқоли, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Мирзо Турсунзода жавоб нутқи сўзлади.

— Ер онамиз бўлса, каналлардан илгариги бўм-бўш саҳроларга оқаётган сув унга ҳаёт бағишламоқда, — деди у. — Сизлар ана шу сувни бу ерга келтирдингиз ва бу ўлкани боғ-бўстонга айлантирдингиз. Илгари баҳодир Фарҳод қўлидангина келган бу жасорат билан ҳозир бутун совет халқи фахрланмоқда.

Мирзо Турсунзода қардош совет халқларининг абадий ва бузилмас дўстлиги шарафига, тожик ва ўзбек адабиёти ҳамда санъатининг равнақи шарафига табрик сўзлари айтади.

Шундан кейин Сирдарё устида қўшиқ садолари янгради. Тожикистон халқ артисти Шоиста Муллажонова Тошкент тўғрисида декада арафасида яратилган янги қўшиқни чўлқуварларга туҳфа қилди. Мирзачўлдаги Ленин номли колхоздан Бибигул Ҳидирова эса, тожикларнинг «Эй жониман, Насирам» қўшиғини ижро этди. Меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам унга жўр бўлдилар.

Декада қатнашчилари бутун Мирзачўлдаги энг йирик «Пахтаорол» совхозига борадилар. Чўлқуварлар Мирзачўлнинг бепоён ерларидан ҳар йили ярим миллион тоннага етказиб «оқ олтин» олмоқдалар.

Совхознинг маданият уйида кўп киши иштирокида митинг бўлди. Митингни Пахтаорол район партия комитетининг секретари Ж. Алқонов очди. Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Маҳмудов ўз нутқида тожик ва ўзбек халқларининг азалий дўстлиги ҳақида гапирди.

Шундан кейин саҳнада тожик, ўзбек, қозоқ қўшиқлари айтилди, ажойиб рақслар ижро этилди.

Тожик адабиёти ва санъати декадасининг қатнашчилари совхозни кўздан кечирганларидан кейин Гулистонга жўнаб кетдилар.

Ю. ЮДИН.
ЎзТАГ махсус мухбири.

АФРИКА ОЗОДЛИГИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Африка озодлиги куни ва Африка бирлиги ташкилотининг беш йиллиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати Африка мамлакатларидаги Совет элчилари орқали ва СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги вакили орқали Африканинг мустақил мамлакатларига дўстона қутловлар юбордилар.

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати қуйидагиларни таъкидлайдилар: Совет Иттифоқи Африка мамлакатлари ва халқларининг миллий озодлик, иқтисодий ва социал тараққиётдан иборат олижаноб иш учун олиб бораётган курашида бундан буён ҳам уларни қўлидан келган қадар қўллаб-қувватлайверади. (ТАСС).

* * *

24 май кечқурун Тошкентдаги М. Горький номидаги маданият ва истироҳат боғининг ёзлик театрида республика пойтахти жамоатчилиги вакилларининг Африка озодлиги кунига бағишланган йиғилиши бўлди.

Йиғилишда докладчи — шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. А. Асомов, пахта целлюлозаси химия ва технологияси институтининг старший илмий ходими Д. Исроилов, тепловоз-вагон ремонти заводининг бўлим бошлиғи Н. П. Васильев ва сўзга чиққан бошқа кишилар республика меҳнаткашларининг Африка халқларининг тараққиёт, озодлик ва миллий мустақиллик учун олиб бораётган кураши билан бирдамлиги тўғрисида гапирдилар.

Нигериялик студент Маҳмуд Танко, кениялик студент, «Планета ёшлиги» интернационал клубининг президенти Хезения Кого африкаликларга нисбатан самимий туйғуларини изҳор қилганликлари учун совет дўстларига қизғин миннатдорчилик билдирди.

Йиғилиш қатнашчилари Африка мамлакатларининг жамоат ташкилотларига мактуб йўлладилар. (ЎзТАГ).



БУГУН ХИМИКЛАР КУНИ

ЧИРЧИҚ электрохимия комбинати Совет Ўзбекистонининг энг йирик химия корхоналаридан биридир. Комбинат коллективи бу йил Химиклар кунини меҳнатда зўр муваффақиятлар билан кутиб олмоқда. Айниқса ускуналар машинисти Анвар Турсунбоевнинг Химиклар кунига совғаси салмоқлидир. У комбинатда ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери ишлайди. Анвар Турсунбоев шу ерда ҳавони тақсимлаш цехининг илғор машинисти бўлиб етишди. Суратларда (чапда): электрохимия комбинати компрессор цехи бўлимларидан бири ва (ўнгда) бош машинист Анвар Турсунбоев.

И. Глауберзон фотолари.

Л. СВОБОДА А. Н. КОСИГИННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ПРАГА. (ТАСС). Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Л. Свобода 24 майда Прага градида СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н Косигинни қабул қилди.

Самимий вазиятда ўтган дўстона суҳбатда СССРнинг Чехословакия Социалистик Республикасидаги элчиси С. В. Червоненко қатнашди.

БИРГАЛИКДА МАШҚ ЎТКАЗИЛАДИ

Варшава шартномаси мамлакатлари бирлашган қуролли кучлари штаби планига мувофиқ, 1968 йил июнь ойида Польша ва Чехословакия территориясида биргаликда команда-штаб машқлари ўтказилади.

Машқларда Варшава шартномаси мамлакатлари армияларининг барча турдаги қўшинлари штаблари иштирок этади. Машқлардан кузатилган мақсад—ҳозирги замон операцияларини ўтказган вақтда қўшинларнинг биргаликда ҳаракат қилиш ва қўшинларни бошқариш масалаларини тўла ишлаб чиқиш, қўшин ва штабларнинг жанговар тайёргарлигини янада оширишдан иборатдир.

Машқлар Варшава шартномаси мамлакатлари бирлашган қуролли кучларининг бош қўмондонлиги раҳбарлигида ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети атоқли ўзбек совет адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1968 йил 25 майда вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ИККИ ЙИЛЛИК ЕМ-ХАШАК ЖАМҒАРАМИЗ

Районимиз чорвадорлари КПСС XXIII съезди қарорларини оғишмай амалга ошира бориб, бу йил моллар туёғини кўпайтириш, эл-юрт дастурхонига янада кўпроқ маҳсулотлар етказиб беришга астойдил бел боғлаганлар.

Колхоз ва совхозларда 88 та сенокосилка, 53 грабель, 80 та автомашина, 110 трактор тележкаси, 3700 киши пичан ўрим-йиғимига сафарбар этилган. Уларнинг кучи билан ҳар куни 1100-1200 гектар ердаги табиий ўт ўриб-йиғиб олинмоқда. Бу йил чорвадорларимиз 20 минг гектар майдондаги пичанни, 1557 гектар ердаги бедани ва 81 минг гектар ердаги ғаллани ўриб олиш ва пландаги 45 минг тонна ўрнига 93 минг 600 тонна дағал хашак ғамлаб қўйишга аҳд қилишган.

Бу соҳада Охунбобоев номли совхоз чорвадорлари ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Совхоз дирекцияси ва партия комитети далаларда табиий ўтнинг бениҳоя кўплигини ҳисобга олиб, бу йил 2,5 йилга етадиган миқдорда ем-хашак жамғариш тадбирларини ишлаб чиқди. Пичан ўриладиган майдонлар алоҳида назорат қилинди. Партия ташкилотининг умумий йиғилишида пичан ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиш, нобудгарчиликка йўл қўймаслик, хашак ўраётганларга алоҳида қулай шароитлар яратиб бериш, уларнинг маданий дам олишларини уюштириш масалалари кўриб чиқилди.

Коммунист ва комсомоллар ем-хашак тайёрлаш бўйича барча ишларни ўз оталиғига олдилар. 100 дан ортиқ коммунист, 150 комсомол аъзоси бевосита ем-хашак ўриш ва йиғим ишларида иштирок этмоқда. Мавжуд сенокосилка, грабель, ишчи кучлари, транспорт воситалари тўла куч билан ишлатилмоқда. Ҳар куни 200-250 гектар майдоннинг ўти ўриб олинмоқда. Совхоз коллективи пландаги 12 минг тонна ўрнига 28 минг тонна дағал хашак ғамлаш учун курашмоқда.

Йирик чорвадор хўжаликлардан ҳисобланган «Восход», «Кўкдала» совхозларида ҳам пичан ўримига уюшқоқлик билан киришилди. Ҳар иккала хўжалик чорвадорлари ўрилган пичаннинг далада кўп вақт қолиб кетишига мутлақо йўл қўймаяптилар. Жамғарилган ем-хашак фермаларга ташиб келтирмоқда.

Районимиз хўжаликлари Қашқадарё областида етиштириладиган ғалла ҳосилининг салкам 40 процентини етказиб берадилар. Ҳозир ғалла майсалари бошоқлаб, сердон бўлиб қолди. Дон қанча мўл бўлса, ем-хашак ҳам шунча кўпаяди. Ғаллазорлардан кўплаб сомон йиғиштириб олишни мўлжаллаб турибмиз.

Беда ва маккажўхоридан моллар учун тўйимли озуқа ҳозирлаш ҳам чорвадорларнинг диққат-марказида турибди. Ўтган йили экилган бедани тўрт марта ўриб олиш кўзда тутилган. Биринчи ўримдаёқ ҳар гектар ердан 80-90 центнердан беда пичани ўриб олинди.

Район чорвадорлари бу йил камида икки йилга етадиган миқдорда ем-хашак жамғариш иштиёқи билан меҳнат қилаётирлар.

А. БЕРДИҚУЛОВ,
Чироқчи район қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНЛАРИ

Ажойиб баҳор ойи—майнинг охирги кунлари ўтиб бормоқда. Ҳамма ёқда баҳорнинг сўнгги нафаси кезмоқда. Шу кунларда, айниқса, мактабларда ҳаёт қайнамоқда. Кеча қўнғироқлар охирги марта жиринглаб, юбилей ўқув йилининг муваффақиятли тугаганидан дарак берди. 25 май куни умумий таълим мактабларининг ҳамма синфларидаги ўқувчилар ўзлари учун энг азиз, табаррук бўлган муаллимларининг сўнгги панднасиҳатларини тинглаб, уйларига тарқалдилар. Аёр бошланғич синфларда ўқиётган кичкинтойлар мактабнинг ўнта зинапоясидан яна бир погона юқори кўтарилганликлари ҳақида шу куниёқ ота-оналаридан суюнчи олган бўлсалар, уларнинг опа ва акалари ўз ҳаяжонларини ичларига сиғдиролмай, энтика-энтика бўлажак имтиҳонлар ҳақида сўзлардилар.

Мактаблар энг масъулиятли даврга кирди. Эртага 5—10-синфларда имтиҳонлар бошланади. Шу муносабат билан мухбиримиз А. Маъзумов Маориф министрлигида бўлиб, Анвар Марасуловичдан мазкур ўқув йилида эришилган муваффақиятлар ҳақида газетхонларга сўзлаб беришни илтимос қилди. Мана, министрнинг суҳбат вақтида айтганлари.

— Мактабларда ўқув йили муваффақиятли якунланди. 1 — 4-синфларни тамомлаган кичкинтойлар ҳозирданоқ ёзги каникул нашъасини сурмоқда. Улар яхши меҳнат қилдилар, илм соҳасида ёшларига яна бир ёш қўшилди. Ниҳоят, дам олиш навбати ҳам келди. Уларни олтин ёз кутмоқда. Партия, совет ва касаба союз органлари мактаб ўқувчиларининг яхши ҳордиқ чиқаришлари учун катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Уларни шаҳар атрофидаги, мактаблар қошидаги пионер лагерлари кутяпти. 2 миллиондан ортиқ болалар шаҳар пионер лагерларида, Совет Иттифоқининг болалар санаторийларида дам оладилар. Жонажон Ўлкамиз ва мамлакатимиз бўйлаб туристик походлар ўтказадилар. Хуллас, болаларнинг яхши дам олишлари, куч тўплаб янада чиниқишлари учун ҳамма ишлар қилинган.

Юқори синф ўқувчилари олдида эса ҳали катта синовлар турибди. 5 — 10. синфларда ўтказиладиган имтиҳонлар бутун мактаб коллективи — ҳам ўқувчилар, ҳам ўқитувчилар, қоларверса, ота-оналар зиммасига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ масъулият юклайди. икки юз мингга яқин 8-синфни, юз мингга яқин 10-синфни битирувчилар мустақил ҳаётга қадам ташлайдилар, келгусидаги мутахассисликларини танлаш ҳуқуқига эга бўладилар. Юқори синф ўқувчиларининг имтиҳонлардан муваффақиятли ўтишларини тилаш билан бирга, ота-оналардан айниқса ҳозир уларга бутун шароитни яратиб беришларини илтимос қиламиз.

Ҳозир халқ маорифи органларининг, мактаблардаги педагогика коллективларининг олдида жуда масъулиятли вазифалар турибди. Ҳар бир ўқитувчи ўз талабасининг имтиҳонларини муваффақиятли топшириши учун бутун имкониятини ишга солиши керак. Имтиҳон олдидан бўладиган консультацияларни юқори савияда ўтказиш, ўқувчилар билан суҳбатлашиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш билан бир қаторда мактабни битиргач, қаерга боришларини олдиндан белгилашда уларга ёрдамлашишлари керак. Кўпинча ўқувчилар бу масалада қийналиб қоладилар. Худди шу масалада ўқитувчилар. ота-оналар уларга маслаҳат кўрсатишлари керак.

Олий ўқув юртига кириб ўқиш—бирдан-бир тўғри йўл, деб қарайдиган ўқувчи ва ота-оналар хато қиладилар. Тўғри, олий маълумот олиш—яхши нарса, лекин ишлаб чиқаришда, колхоз ва совхозларда меҳнат қилиб, тажриба орттириб, сиртдан ёки кечқурун ўқишни давом эттириш мумкин-ку. Институтга киролмаган ўқувчиларнинг техникумлар, ҳунар мактабларида ўқишлари ёки корхоналарда ишлашлари ҳам зарур, ҳам шарт.

Маориф министрлиги, халқ маорифи органлари мактабларда ўқув йилини муваффақиятли якунлаш учун, имтиҳонларни яхши ташкил қилиш, юқори савияда ўтказиш учун ҳамма шароитларни яратиб бердилар. Ҳар бир мактаб имтиҳон билетлари, ёзма ишларнинг текстлари билан ўз вақтида таъминланди. Педагогика коллективларининг шу кунлардаги биринчи даражали вазифаси имтиҳонлар ҳақидаги инструкцияларни аниқ ўрганиб чиқиш ва уларни ўқувчилар, ота-оналарга ўз вақтида етказишдан иборатдир

Ўзбекистон ССР маориф министри А. М. ҚУЧҚОРОВ билан суҳбат

Шундан сўнг Анвар Марасуловичга бир неча саволлар билан мурожаат қилинди.

САВОЛ: Бу йил мактабларда қайси фанлардан имтиҳонлар ўтказилади?

ЖАВОБ: Мактабларда ўтказиладиган имтиҳонлар қуйидагилардан иборат. Синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари 27 майдан 1 июнга қадар давом этади. 5. синф ўқувчилари она тили (диктант), арифметика; 6-синф—она тили (диктант), арифметика (ёзма); 7-синф—она тили (баён), зоологиядан; 9-синф—химия ва географиядан имтиҳон топширадилар. 8-синфларда битирувчи имтиҳонлар 27 майдан 8 июнгача давом этиб, она тили (ёзма) ва оғзаки, алгебра(ёзма) ва геометриядан ўтказилади 10-синфларда эса давлат имтиҳонлари 27 майдан 27 июнгача давом этади. Улар бир ой давомида 7 фандан: адабиётдан (иншо), алгебра-ёзма, геометрия, физика, химия, СССР тарихи ва жамиятшунослик, чет тили предметларидан оғзаки имтиҳон топширадилар.

САВОЛ: Якунланаётган ўқув йилида бўлиб ўтган муҳим воқеалар нималардан иборат?

ЖАВОБ: 1967-68 ўқув йили муҳим воқеаларга жуда бой бўлди. Ўтган йил ноябрда Совет халқи ва бутун прогрессив инсоният Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини нишонлади. Маориф ходимлари, кўп миллионли ўқувчилар армияси ҳам бу шонли санани зўр шодиёнаклик билан кутиб олдилар. Ҳозир ҳамма мактабларда доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб нишонлаш учун қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Шу йил январь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон ўқитувчиларининг III съезди республика халқ маорифи ходимлари ва барча меҳнаткашларининг ҳаётида муҳим роль ўйнади. Съезд ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашда мактабнинг ролига оид муҳим масалаларни ўртага ташлади. Партия ва ҳукуматимизнинг қарорлари асосида ёшларга коммунистик тарбия беришдаги йўл-йўриқларни белгилаб берди.

Республика маориф ходимлари Бутуниттифоқ ўқитувчилар съездини муносиб кутиб олиш борасида партия ва совет органлари раҳбарлиги остида катта ишларни амалга оширдилар. Фақат 1967 йилнинг ўзидагина 173576 ўқувчига мўлжалланган мактаб бинолари фойдаланишга топширилди. Ҳозир республикамизда 6826 умумий таълим мактаблари ишлаб турибди. Уларда 3 миллионга яқин бола таълим олмоқда. Халқ маорифи органларининг, мактаб педагогика коллективларининг ҳозирги биринчи даражали вазифаси — имтиҳонларни муваффақиятли якунлаб, ўқувчиларнинг мароқли дам олишларини таъминлаб, мактабларни янги ўқув йилига ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш билан Бутуниттифоқ ўқитувчилар съездини ва В. И. Ленининг 100 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишдан иборатдир.

ХУШХАБАРЛАР

● Бухоро областининг шоликорлари шоли экишни тамомлаганликлари тўғрисида биринчи бўлиб рапорт бердилар. Бухоро воҳасидаги Амударё этакларида 1,1 минг гектар ерга биринчи марта шоли экилди.

Ўзбекистонда шу пайтгача 35,5 минг гектар ерга шоли экилди. Бу — ҳамма шолипояларнинг қарийб учдан икки қисмини ташкил этади.

● Наманган областидаги хўжаликлар полиз экинлари экишни Ўзбекистоннинг бошқа областларига нисбатан барвақт тамомладилар. Бу областда бир ярим минг гектар майдонга қовун ва тарвуз экилди.

● Ўзбекистон энгирнорлари энгир экишни тамомладилар. Ана шу мойли экин асосан Қашқадарё областининг тоғ этакларидаги районларда етиштирилади. Карл Маркс номли совхознинг бир ўзидагина уч юз гектар ерга энгир экилди. Мутахассисларнинг фикрича, ҳар гектар ердан камида 5 центнердан уруғлик олинади.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ПАРТИЯ ТУРМУШИ»

Журналнинг бешинчи сони босмадан чиқди. У «Хўжаликка партия раҳбарлигини такомиллаштирайлик» сарлавҳали бош мақола билан очилади.

Журналнинг бу сонида тарих фанлари доктори М. Мусаевнинг «Ижтимоий тафаккур тараққиётида марксизмнинг тарихий роли», Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. Матчоновнинг «Мелиорация — партия иши», Ўзбекистон ССР Госплани раисининг ўринбосари Ш. Хўжаев, бош мутахассис В. Дубровскийнинг «Янги шароитда», Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрининг ўринбосари О. Ҳакимовнинг «Қишлоққа — малакали кадрлар», А. Маҳмудовнинг «Партия ташкилоти ва меҳнатни илмий асосда уюштириш» сарлавҳали мақолаларини ўқиш мумкин.

Журналнинг «Шу кун темасида» бўлимида «Далада оммавий-сиёсий ишлар» сарлавҳали редакцион мақола ҳамда қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари ишчи ва хизматчилари касаба союзи республика комитетининг раиси И. Муҳиддиновнинг «Қишлоқ касаба союзларининг улкан вазифалари» сарлавҳали мақолалари босилган.

Бугун — химиклар куни

ХИМИЯ БИЛАН ПАХТА ЭГИЗАК

НАВОИЙ ХИМИКЛАРИ СЎЗЛАРИНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИЛАР

БУХОРО, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бундан бир неча ой муқаддам республикамиз йирик химия корхоналарининг коллективлари 4 миллион 100 минг тонна ўзбек пахтаси учун курашаётган қишлоқ меҳнаткашларига кўплаб минерал ўғитлар етказиб бериш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилган эдилар. Бу ватанпарварлик ҳаракати Навоий химиклари ўртасида катта меҳнат кўтаринкилигини уйғотди. Улар ўз имкониятларини чамалаб, шу йилнинг 1 августигача Бухоро, Самарқанд пахтакорларига бир неча ўн минг тонна минерал ўғит етказиб бериш юзасидан янги мажбурият олишган эди. Беш йиллик меҳнат вахтасида туриб ишлаётган корхона коллективи қўшимча олинган мажбуриятни муддатидан илгари уддалашга муваффақ бўлди.

Шу кунларда корхона планда кўзда тутилганидан ташқари ишлаб чиқарилаётган тонна-тонна минерал ўғитлар ўрта Осиёдаги пахта етиштирувчи хўжаликларга пешма-пеш жўнатилмоқда. Корхона ишчи-хизматчиларининг қўли билан хозирланаётган минерал ўғитларнинг салмоғ ва сифати, деҳқонларга келтираётган манфаати хусусида жойлардан хат-хабарлар, фикр-мулоҳазалар келиб туради. Комбинатда бўлган пайтимизда корхона партия ташкилотининг секретари ўртоқ П. Крупин бизга ана шундай хатлардан бир нечтасини кўрсатди. Мана шулардан бири:

— Биз узоқ Туркманистоннинг Чоржўй районидаги «Партия XX съезди» колхозининг меҳнаткашлари 1600 гектардан ортиқроқ майдонда ҳар йили пахтадан мўл ҳосил етиштириб келамиз. Бу қимматли, сермеҳнат экиндан мўл-кўл хирмон кўтаришимизда Навоий химия комбинатида ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар муҳим омил бўлаётир. Эндиликда химия билан пахта эгизак бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам химия саноати ходимлари билан қишлоқ меҳнаткашларининг ўзаро алоқалари кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда...».

Т. НАЗИРОВ.



МЎЪЖИЗАКОРЛАР БАЙРАМИ

Бугун мамлакатимизда кимёгарлар куни. Ярим аср мобайнида жадал суръатлар билан ривожланган қудратли кимё саноатимиз меҳнаткашлари, ўзларининг фундаментал илмий асарлари билан фан оламида катта ўрин тутувчи кимёгар олимларимиз байрамларини галаба ва ютуқлар билан нишонламоқдалар.

Мамлакатимиз кимё саноати ва кимё фани сўнгги йиллар давомида катта ютуқларга эришиб, асл дори-дармонлар, экинларни зараркунандалардан асровчи моддалар ва хилма-хил ўғитлар, ноёб сифатли полимер турларини яратдилар ки, бу билан мамлакатимиз кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёда иккинчи ўринга чиқди.

Беруний номли Республика мукофотининг лауреати академик С. Ю. Юнусов раҳбарлигидаги коллектив томонидан халқ хизматига қўйилган ўндан ортиқ алкалоидлар, академик М. Н. Набиев раҳбарлиги остида ишлаб чиқарилган бир қанча мураккаб ўғитлар, академик К. С. Аҳмедов бошчилигида ихтиро этилган. «к-4», «к-6», «К-6» каби ернинг тузилишини яхшиловчи ва эрозиядан сақлаб, маҳсулдорлигини оширувчи моддалар, академик Ш. Толипов, профессор Х. Рустамов раҳбарлигидаги аналитик ва физик-кимё тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон кимё саноати ривожининг биринчи босқичида асосан ўғит саноати вужудга келтирилган ва юксалган бўлса, иккинчи босқичда полимерлар ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноати тез суръатлар билан ўсмоқда.

Шу йили Тошкентда бир миллион квадрат метр сунъий чарм ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилади. Навоийдаги кимё комбинати қошида нитрон тола ва ацетат целлюлоза ишлаб чиқариш комплекс цехларининг ҳаракатга келишига озгина вақт қолди. Шу боисдан биз шу соҳада тер тўкаётган олимларимизнинг ишларидан хабар олдик. Бирин-кетин докторлик диссертацияларини муваффақиятли ёқлаган ёш олимлар М. Асқаров ва Б. Ойхўжаев ишларининг мазмуни билан танишдик.

Мирҳожи Асқаровнинг илмий ишида асосан Ўзбекистон табиий газини полимерлар, гола, пластмассага айлантириб, улардан буюмлар ясаш ҳамда халқ хизматига қўйиш жараёнларининг нозик кимёвий масалалари ёритилди. Ботир Ойхўжаевнинг илмий тадқиқотларида кўп тарқалган ва ҳар йили тикланувчи табиий полимер — пахта чиқиндиси-момиқни кимёвий йўллар билан ишлаш натижасида сунъий полимерлар олиб, улардан олий сифатли ипак ва плёнкалар ишлаб чиқариш ҳал этилди.

Ўзбекистон кимёгарларининг бундай ютуқларини Иттифоқимизнинг йирик марказий шаҳарларидаги тадқиқот ишлари билан бир қаторга қўйсак арзийди.

Химия фанлари докторлари М. Асқаров, Б. Ойхўжаевлар ҳозиргача ўндан ортиқ фан кандидатларини тайёрладилар. Олимларимиз ўзларининг ёрқин ишларидан сира қониқмайдилар. Доимо уларни лабораторияда ёки студент ва аспирантлар билан илмий мунозаралларда учратамиз.

Ёш олимларимиз жамоат ишларида, кимёгарлар жамиятида олиб борилаётган оммавий ишларда фаол қатнашиб келмоқдалар. Ўзбекистон кимёгарлар жамиятининг раиси ўртоқ Асқаров республика саноатининг илмий техника ривожланиши ва фаннинг кундан кунга юксалишига, ёш химикларнинг ишларини уюштиришга салмокли ҳисса қўшмоқда.

Кимёвий илмий тадқиқот ишларида из қолдираётган мўъжизакор олимларимизни байрам билан қутлаб, илмий кашфиётларига яна да равнақ тилаймиз.

Х. МАҲСУМОВ.

Суратда (чапдан ўнгга): Ботир Ойхўжаев ва Мирҳожи Асқаров.

И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

Фан оламида

ТАФАККУР ВА МАШИНА

Эртага Тошкентда «Автоматлар назарияси ва сунъий тафаккур» деган темада Бутуниттифоқ илмий конференцияси очилади. Бу конференция социалистик мамлакатлар фанлар академияларининг иштироки билан ўтказилянти. СССР Фанлар академияси Ҳисоблаш маркази ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Кибернетика институти уюштирган бу илмий кенгашда кибернетика фанининг ҳозирги замон муҳим проблемалари муҳокама қилинади.

Конференция очилиши муносабати билан мухбиримиз конференция ташкилот бюроси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Кибернетика институтининг директори В. Қ. ҚОБУЛОВга бир неча савол билан мурожаат этди.

САВОЛ: Конференциянинг Тошкентда чақирилаётганига сабаб нима?

ЖАВОБ: Саноатнинг ҳозирги юксак тараққиёти ва технологик жараёнларнинг такомиллаша бориши электрон, автомат ва ҳисоблаш техникаси воситаларидан ниҳоятда кенг даражада фойдаланиш вазифасини кўндаланг қилиб қўймоқда. Биргина республикамизни олиб кўрайлик. Халқ хўжалигимиз ҳозирги пайтда тўхтовсиз юксалмоқда, уни бошқариш эса борган сари мураккаблашиб бормоқда. Масалан, республика моддий-техника таъминоти Бош бошқармаси рационал план тузиб чиқиш учун ҳар куни тахминан 12 миллион рақамдан иборат информация йиғиши керак. Бир киши секундига бир операцияни бажариш қобилиятига эга бўлганда ҳам, юқорида келтирилган ҳажмдаги операцияларни амалга ошириш учун 3,5 минг йил керак бўлур эди. Ҳар секундда 100 минг операция ишлаб чиқадиган электрон ҳисоблаш машинаси эса бундай планни бир ойда ҳал қилиб беради, агар бир нечта машина ишлатилса масала яна ҳам осонлашади.

Худди шунингдек, электрон-ҳисоблаш техникасидан фойдаланишнинг назарий ва амалий асослари Иттифоқимизда ҳам, социалистик мамлакатларда ҳам гоят юксак даражага кўтарилмоқда. Шу сабабли ҳозирги кунга келиб, бу соҳада олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар ҳамда тажрибаларни умумлаштириш эҳтиёжи туғила бошлади. Шунинг учун ҳам Тошкент конференцияси чақирилди. Бу муҳим илмий кенгашнинг Тошкентда чақирилиши фавқулодда ҳодиса эмас. Чунки Ўзбекистонда юқорида айтиб ўтилган соҳалар бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари интенсив ривожланиш йўлига кирди. Республикамизда жуда кўп ҳисоблаш марказлари тузилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва бошқа ташкилотлар ҳузуридаги ана шу ҳисоблаш марказларида илмий тадқиқот ишлари кучайтириб юборилди. Сунъий тафаккур ва медицина диагностикаси ҳамда бошқа соҳалардаги жараёнларни моделлаштиришнинг қатор оригинал методлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, геология ва сейсмологияда электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш йўллари синаб кўрилмоқда. Илмнинг бу соҳаси, айниқса Ўрта Осиё республикалари учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

САВОЛ: Конференцияда қайси мамлакатларнинг вакиллари қатнашади?

ЖАВОБ: Бу илмий кенгашда Болгария, Чехословакия, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Руминия, Югославия мамлакатларидан 50 га яқин йирик олимлар иштирок этадилар. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан 350 га яқин атоқли олимларимиз ҳам келадилар. Конференция ўз ишини 27-31 май кунлари олиб боради.

САВОЛ: Кибернетика фани соҳасида Ўзбекистон эришган баъзи ютуқлар ҳақида гапириб берсангиз.

ЖАВОБ: Ҳозир бепоён мамлакатимиз бўйича давлат ҳисоблаш марказлари тармоғини ташкил этиш соҳасида илмий тадқиқот ва тажриба ишлари ўтказиляпти. Бундай система бизнинг республикамизда ҳам амалга оширилади. Бу ҳисоблаш тармоғи республиканинг саноати, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларига намунали хизмат қиладиган ягона информацион ҳисоблаш системаси бўлиши керак. Республика халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқаришнинг оптимал йўлини яратиш борасида Янгийўл районида ва «Главташкентстрой» ҳузурида, Қурилиш министрлиги ва Марказий статистика бошқармаси ҳамда шунга ўхшаш бошқа жойларда ҳам информацион ҳисоблаш системаларини ташкил этиш мўлжалланяпти. Ўзбекистон ССР Госплани ҳузурида эса йирик ҳисоблаш маркази барпо этилади.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, яқин йиллар ичида республикамиз халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқаришдек гоят мураккаб жараён техника қўлига ўтади, кибернетика кишиларимизнинг оғирини енгил қилади. Бу мақсадни тезроқ амалга оширишда Тошкентда чақирилаётган Бутуниттифоқ илмий конференциясининг аҳамияти катта.

„ЛОЛА"ЛАРДАН ЯШНАР ДИЁРИМ

Декадаси

Лола! Баҳорнинг ялқ гунчаси.

Лола! Гуллар сараси, ғўзаллик рамзи.

Лола! Ёшлик ва софлик, умид ва қувонч, севги ва садоқат белгиси.

Шу учундирки, тожикларда ҳам, ўзбекларда ҳам фасллар сулуви, навбаҳор элчиси — лолани умид ва орзулар билан қизларга исм қилиб қўйдилар.

Шу учундирки, наврўзи олам келиши билан водийю қирларда, адирларда, лола сайллари, гул базмлари бошланиб кетади, гул бўйларидан ҳалблар яйрайди, чеҳралар гул-гул яшнайди.

Шу кунларда қуёшли диёримизда зўр кўтаринкилик билан ўтаётган тожик адабиёти ва санъати декадаси қатнашчиси — биринчи тожик давлат халқ рақс ансамбли ҳам ана шу гуллар сараси — «Лола» номи билан аталади.

«Лола» ансамблининг концертидамиз. Саҳна нўз ўнгимизда улкан гулхонани, лолалардан алвон гилам тўшалган чаманзорни эслатади. Майин куй остида саҳна алвон ранг либослар кийиб олишган нозик-ниҳол қизларга тўлади, нафис ва шўх ҳаракатлар нигоҳни тортади. «Лола сайли» рақс сюитаси шундай бошланади. Қизлар гул базмидан шодон, лекин сайл, базм, севгили ёр билан янада яшнаб кетади. Ўйинчи йигитлар, рақоса қизлар нозик-нафис, қушдек енгил рақсга тушиб, худди лола сайлидаги энг тароватли хушу-хандон онларни акс эттирадилар.

Чўпон йигит ям-яшил қир, адирларда қўй боқиб бир оз чарчаган. Мана у таёқчасига суяниб мизғиб қолди. Ўй-хаёлида севгилиси. Шу пайт сулув қиз кўзачада сув билан ёридан хабар олгани келади. Ошиқ чўпон йигит ва маъшуқа сулув қиз висол онларидан шодон рақсга тушадилар, бахт ва орзуларини рақс орқали баён этадилар. Ансамблнинг ёш санъаткорлари Косиятхон Боева, Минор Алибоевлар бу номерни зўр мароқ билан бажариб, томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар.

Саҳнада яна ўйин, яна рақс, яна жарангдор музика садолари ранг-баранг гулларни эслатувчи рақоса қизлар, ўйинчи йигитларни маҳорат майдонига, саҳна саҳнига чорлайди. Моҳир доирачи Исоқжон Гулкаров чилдирмада «Шодлик» куйини ўхшатиб чертади. Малика Қаландарова нафис ҳимралиб, нозу карашма билан рақсга тушади. Қарсаклар уни яна саҳнага таклиф этади. Бу гал «Лола» Малиҳаси «Гулноз»га эшилиб ўйнайди.

Саҳна бир оз қоронғулашиб тоғ ўрмони кўриниши нўз ўнгимизда намоён бўлади. Тожикистонда революцион кураш йилларини акс эттирувчи «Партизанлар» ўйини ижро этилади. Тожик йигити (Диловор Баубеков) рус дўсти (Юра Симонов) билан революция ғалаба с и, эл-юрт озодлиги ва осойишталиқ учун қаҳрамонона кураш йиллари лавҳасини мукаммал ва ишонарли бажарадилар.

«Лола» давлат халқ рақс ансамблининг бири-биридан нафис ва назокатли рақоса қизлари — Мунаррам Собирова, Шарофат Рашидова, хушовоз хонанда ва моҳир рақоса Ҳалима Эркаеваларнинг чиқишлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

«Лола» ансамблининг репертуари ранг-баранг ва бой. Концерт программасига ёш, талантли хонандалар Владимир Аловердов билан Фаррух Боқижонов қўшиқларининг киритилгани ансамбль концертларининг янада ёқимли ва таъсирчанлигини оширган.

Тожикистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати, ансамблининг бадиий раҳбари Ғаффор Валломатзода бу ёш коллективни шу даражага кўтаришда катта ижодий меҳнат қилгани яққол кўринib турибди.

Эндигина уч баҳорни кўрган навқирон «Лола» ансамбли ўз санъатини Москвада ҳам муваффақият билан намойиш этган эди. Ўзбекистонда тожик адабиёти ва санъати ўн кунлигида эса бу ансамбль ажойиб концерт номерлари билан элимизга, дилимизга завқу-шавқ, муфуз бахш этмоқда.

А. ЮСУПОВ.

Ҳалима Эркаева қўшиқ ижро этмоқда.

«Лола сайли» рақс-сюитасидан саҳна.

И. Глауберзон фотолари.

Наманган область партия комитетининг пленуми

НАМАНГАН, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бу ерда область партия комитетининг иккинчи пленуми бўлиб ўтди. Унда В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича Учқўрғон район хўжаликлари олган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақида район партия комитетининг биринчи секретари В. Ҳайдаровнинг ахбороти тингланди.

Обкомнинг биринчи секретари А. Хўжаев область партия ташкилотлари олдида турган вазифалар ҳақида гапирди.

А. МАДУМАРОВ.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг коллегияси В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига тайёргарлик тўғрисида қарор қабул қилди. Шу йилнинг август ойида Ленин яшаган ва ишлаган жойларга бир қанча экскурсия ташкил этиш кўзда тутилади. Республика қишлоқ хўжалигининг ветеранлари ва илғорлари мамлакат бўйлаб саёҳат қиладилар Август ойида қишлоқ меҳнаткашлари уч авлодининг слётини ўтказиш мўлжалланди.

Колхоз ва совхозлар тарихи жамоатчилик институти билан биргаликда архивдаги киножурналларни танлаб олишга киришилди. Бу киножурналлар Ўзбекистонда колхоз ва совхозларнинг ташкил этилишини, биринчи каналлар, гидроузеллар, сув омборлари қурилиши, қишлоқ хўжалигининг механизациялаштирилиши ва янги ерларнинг ўзлаштирилишини акс эттиради.

Колхоз ва совхозлардан, таълим ва илмий институтларда уларнинг ташкил этилиш тарихини акс эттирувчи музейлар очишга қарор қилинди. Ранг-баранг плакатлар, шунингдек фотомонтажлар нашр этилади. Ҳозирги вақтда варақалар босиб чиқарилди. (ЎзТАГ).

Шарқнинг улуғ мутафаккирлари Абдураҳмон Жомий билан Алишер Навоий ўртасидаги устоз-шогирдлик, ўзаро ҳамкорлик, ҳамнафаслик ва ижодларидаги уйғунлик қадим замонлардан бери бир сарзаминда яшаган, толеи ва тақдири бир, «Куйласа чолғуси бир, йиғласа қайғуси бир» бўлган тожик ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстликнинг энг ёрқин тимсолидир. Жомий ва Навоий ўртасидаги дўстлик ниҳоятда самимий муносабатда, ғамхўрлик, мададкорлик асосида қурилган эди.

Навоий умр бўйи Жомийдан садоқатли дўст, меҳрибон устоз сифатида мадад олди. Жомий эса, ёзган асарларини Навоийга бериб, ўз фикр-мулоҳазаларини тортинмай айтишни илтимос қиларди. Жомий жуда кўп асарларини Навоийнинг илтимоси билан, самимий хайрихоҳлик билан изҳор этган истаклари натижасида ёзган; Навоий хоҳиши билан Жомий шеърларини тўплаб, уч девон тузади. Жомийнинг тавсияси билан Навоий ўз шеърларини тўрт девон қилиб тартиб бериб, унга «Хазойинул маоний» деб ном беради. Устоз ва шогирд ўртасидаги бир умрга давом этган бу садоқат уларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Жомий «Хирадномаи Искандар», «Лайли ва Мажнун» достонларида Навоийни беназир даҳо, ҳақиқий дўст сифатида таърифлайди. Навоийнинг «Хамса», «Хамсат-ул-мутаҳайирин» ва бошқа асарларида Жомий ажойиб донишманд, илм-фан ҳамда шеърият аҳлининг устози, хоксор инсон сифатида гавдаланади. Қуйида сиз шогирд ва устознинг бир-бирлари шаънларига айтган мадҳияларидан баъзиларини ўқийсиз.

Буюк сиймолар

ЖОМИЙ ва НАВОИЙ

Ажралмас дўстлигимиз тимсоли бўла олар Навоий Жомийларнинг туғма биродарлиги.

Устоз ва шогирд — Жомий ва Навоий мушоирааси.

Маҳмуд ЖУРАЕВ чизган расм.

УЛУҒ ЗУЛЛИСОНАЙН ШОИР

Кўп асрли ўзбек ва форс-тожик адабий алоқалари тарихида зуллисонайнлик — икки тилда ижод этиш муҳим ва сермаҳсул анъаналардан биридир. Ўзбек халқи форс-тожик адабиётидан баҳраманд бўлиши билан бирга, бу адабиётнинг тараққиётига ўз улушини қўшди, ўзбек соҳиб қаламларининг ижодий тажрибаси форс-тожик адабиёти камолотига ижобий таъсир этди.

«Муҳаббатнома» муаллифи Хоразмийдан (XIV аср) тортиб Ҳамза Ҳакимзодага қадар кўпчилик ўзбек шоирлари зуллисонайн шоир сифатида форс (ёки тожик) тилида ҳам муваффақият билан ижод этдилар. Бу анъана ҳозирги поэзияда ҳам давом этиб келмоқда.

Ўзбек шоирлари форсча шеърлари билан ҳам шуҳрат қозониб, шеъриятнинг атоқли ҳакам ва заковатли шеършуносларининг эътирофи ва юксак баҳосига сазовор бўлдилар. Шундай улкан зуллисонайн шоирлардан бири Мавлоно Лутфий эди. Алишер Навоий унга «...ўз замонининг маликул каломи эрди. форсий ва туркийда назири йўқ эрди», деб баҳо берган. Мавлоно Лутфий XV аср форс-тожик адабиётининг карвонбошиси Абдураҳмон Жомийнинг эътибори ва ихлосини қозонган забардаст шоир. Жомий Лутфийнинг васиятини бажо келтириб, унинг «Гар хори дили ошиқ...» деб бошланган ғазалини ёзиб тугатиб ўз девонига киритган эди.

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг фаолияти ва ижодиёти ўзбек ва форс-тожик адабий алоқалари тараққиёти ва такомилида ғоятда катта роль ўйнади. Маълумки, XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳирот шеърият шаҳрига айланган эди. Шу шаҳарга Хуросон, Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг турли жойларидан келган шоирлар билан бирга, Озарбайжон, Ироқ, Эрон ва бошқа ўлкалардан келган шоирлар ҳам кўп эди. Ҳирот гўё адабий ва маданий алоқаларнинг бир чорсуси, қалам аҳлларининг ажиб бир маскани бўлган. Навоий ва Жомий уларнинг мураббийси, устози ва ҳомийси эдилар. Навоий ва Жомийнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги — бу маданий-адабий алоқаларнинг мислсиз тажассуми эди.

Алишер Навоий — ўзбек адабий тилининг буюк яловбардори ва ўзбек классик адабиётининг отахони. У «Хамса», «Хазойин-ул-маоний», «Лисон-ут-тайр» ва «Маҳбуб-ул-қулуб» каби асарлари билан ўзбек классик адабиётини янги ва юксак тараққиёт босқичига олиб чиқди, ўзбек тилининг бой хазинасини, унинг нафосати, бадиияти ва салобатини намойиш қилди. Бинобарин Навоий «Мезон-ул-авзон» асарида ҳақли равишда фахрланиб айтган эди: «...Ажам шуароси ва фурс фусахоси ҳар қайси услубдаким, сўз арусига жилва ва намойиш бериб эрдилар, турк била қалам сурдум ва ҳар нечук қондадаким, маъни абкорчға зийнат ва оройиш кўргузуб эрдилар, чиғатой лафзи била рақам урдум. Андоқким, то бу мазкур бўлғон тил ва лафз биносидур, ҳеч нозимға бу даст бермайдур ва ҳеч роқимға бу муяссар бўлмайдур». Навоий ўзбек халқи, унинг тарихий тараққиёти, маданияти ва санъат-адабиёти олдидаги хизматини фахр билан таъкидлаб:

«Турки назмида чу тортим мен алам[1],
Айладим ул мамлакатни яккалам»,—

деган эди.

Навоийнинг ўзбек адабий тили тараққиёти учун, бу тилдаги адабиётнинг камолоти учун кураши зинҳор ўзга тил ва адабиётларга бефарқ қараш ифодаси эмас, албатта. Навоий «Муҳокамат-ул-луғатайн» асарида турк (ўзбек) ва сорт (форс) тилларини қиёсий текширар экан, бундай деган эди: «Бу сўзлардин хасм мундоқ билмасун ва муддаи бу навъ гумон қилмасинки, менинг таъбим турк алфозиға мулойим тушган учун таърифида муболаға изҳор қилурмен ва форс иборатқа муносабатим озроқ учун инкор ва нафйиға исрор кўргузурмен».

Форс тили Навоийнинг гўдаклик палласидаёқ иккинчи она тили бўлган эди. 10-12 ёшларда машҳур форсигўй шоир Мир Шоҳий билан хат ёзишган, кейинроқ эса Абдураҳмон Жомийни ўзига пир ва устоз танлаган, у билан яқин ҳамкорлик муносабатига киришган эди. Навоий ўзбек ва бошқа туркий халқларнинг сўз санъати билан бирга, форс-тожик ва араб адабиётларидан ҳам таълим олган, бу адабиётларнинг хассос билимдони бўлиб етишган. Форс-тожик адабиёти Навоий учун катта адабий мактаб бўлди. У Фирдавсий, Низомий, Аттор, Хисрав Деҳлавий, Саъдий, Ҳофиз, Камол Хўжандий ва бошқа шоирларнинг анъаналарини давом эттирди, ривожлантирди ва улар билан ижодий мусобақалашди. Навоий зикр этмаган, таърифламаган ва тақдирламаган форс-тожик адабиётининг улкан намояндалари йўқ деярли. Навоийнинг «Мажолис-ун-нафоис», «Мезон-ул-авзон», «Муфрадот» каби асарлари ўзбек адабиёти билан бирга, форс-тожик адабиёти тарихи ва бу адабиётнинг муҳим назарий масалаларига бағишланган қимматли тадқиқотлардир. Навоий ўзбек шоирларигагина эмас, балки форсигўй шоирларга ҳам устод бўлди, муаллим ва мураббий сифатида янги қаламкашларнинг етишувига кўмаклашди. Абдураҳмон Жомий ҳам янги ёзган асарларини биринчи бўлиб Навоийга ўқиб берар, унинг фикр-мулоҳазаларига диққат-эътибор қилар эди.

Навоий форс-тожик адабиётига шоир сифатида катта ҳисса қўшди. Унинг бу борадаги энг катта хизмати форсча шеърлари, шу шеърлар тўплами «Девони Фоний»дир. (Навоий форсча шеърларида Фоний тахаллусини қўллаган).

Мамлакатимизнинг кутубхона ва қўлёзма фондларида «Девони Фоний»нинг мукаммал нусхалари йўқ. «Девони Фоний» номи билан аталган тўпламлардаги шеърларнинг кўпчилиги Навоий-Фоний қаламига эмас, балки Фоний тахаллуси билан ижод қилган бошқа шоирларга (масалан, кашмирлик Мухсини Фонийга) мансуб бўлиб, бу холат Навоийнинг форсча шеъриятини ўрганишда бир қатор қийинчилик ва чалкашликларга олиб келган. Шарқ классик адабиётининг атоқли донишманди Садриддин Айний Навоий мероси устида иш олиб борар экан, «бу иш... эҳтимол кўп камчилик ва хатоларга эгадир, Фоний-Навоий девонининг тўла нусхасини топиш келажак ишимиз» деган эди. Йирик навоийшунос Ҳамид Сулаймонов кўп йиллик изланиш ва тадқиқотлари туфайли «Девони Фоний»нинг асл нусхаларини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Тадқиқотчи чет эллардаги каталогларни текшириб, Франция (Париж), Туркия (Истамбул) ва Эрон (Теҳрон) кутубхоналарида яқинда Лондондаги Британия музейида сақланаётган «Девони Фоний»нинг 6 та қўлёзма нусхаларини аниқлади, уларнинг фотонусхаларини қиёс этиб, ҳаммаси, ҳам бир девон экани, асосий фарқ уларнинг ҳажмида эканлигини аниқлади ҳамда 285-инвентарь билан сақланаётган Париж нусхаси мукаммалроқ деган қарорга келди. Париж нусхаси бўйинча Ҳамид Сулаймонов нашрга тайёрлаган икки китобдан иборат «Девони Фоний» (Навоий асарлари 15 томлигининг 5 томи)нинг нашр этилиши навоийшуносликда катта ва муҳим воқеа бўлди.

«Девони Фоний»даги шеърлар мавзу доираси, ғоявий-бадиий қиммати, нафислиги ва тил бойлиги жиҳатидан Навоийнинг ўзбекча шеърлари куллиёти «Хазойин-ул-маоний» қаторидан ўрин олади. Икки тилдаги шеърлар гўё бир-бирига эгизак, бир-бирига уйғун, бир-биридан гўзал шеърлардир.

Ўтмиш адабиётда машҳур шоирларнинг шеърларига ўхшатма яратиш бир одат бўлган. Шоир ўзга шоирнинг шеъри мавзуида ўшандай услуб ва вазн-қофияда янги шеър битиши лозим эди. Бу тақлид эмас, балки жавоб, синов, имтиҳондир. У шоирдан катта истеъдод, юксак адабий-эстетик дид ва маҳоратни талаб қиларди. Шу жиҳатдан қараганда, ўхшатма ёзиш янги, мустақил шеър ёзишдан ҳам мураккаброқ ва масъулиятлироқ эди. Бинобарин, жавоб шеъри яратишда шоирлар ҳар қачон ҳам муваффақият қозонавермаганлар. Улуғ Алишер Навоий-Фоний буюк сўз санъаткорларининг шеърларига ўхшатма — жавоблар яратишда бениҳоя катта муваффақият қозонди.

Навоий-Фоний ўндан зиёд шоирнинг кўплаб шеърларига татаббуъ қилди. Булардан айниқса уч шоир: Ҳофиз Шерозий, Амир Хисрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий шеъриятига татаббуъ-жавоб «Девони Фоний»нинг муҳим хусусиятини ифодалайди. «Девони Фоний»даги ғоявий-бадиий юксак шеърлардан бири Абдураҳмон Жомий вафотига аталган марсия бўлиб, устоз Садриддин Айний айтганидек, 5 аср ўтган бўлишига қарамай, бу марсия кишини ҳозир ҳам ҳаяжонга солади, тўлқинлантиради.

«Девони Фоний» улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг форс-тожик адабиёти бисотига қўшган ноёб армуғон, адабий алоқаларимизнинг, хусусан, ўзбек ва тожик халқлари дўстлигининг безавол бир кўзгусидир.

Н. МАЛЛАЕВ,

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти СССР халқлари адабиёти кафедрасининг мудири.

1) Алам — байроқ.

ЖОМИЙ НАВОИЙ ҲАҚИДА

(«ХИРАДНОМАИ ИСКАНДАР»НИНГ ХОТИМАСИДАН)

Кел, эй Жомий, сен умрлар қийнаб жонни,
Хотирингдан яратолдинг беш достонни.
Беш достонинг шунчалик зўр панжа бўлди,
Ундан дарё кафтли талай қўл букулди.
Икки бошли қалам ажаб аждарҳодур,
У ўзидан сочар ҳар дам хазина-дур.
Аждарҳолар ганж олдида жой олса ҳам,
Бироқ ўзи ганж туққувчи аждарҳо кам...
Бироқ кўрсам ганж сочқувчи ҳар бир қалам,
Беш достоннинг дури билан тўлмиш олам.
Етиб борса у бешларга сенинг бошинг,
Юз достон бўлолмагай бирига тенг.
Бу бешларга аввал бошлаб уриб панжа,
Хуш хабарлар келтурганнинг юрти Ганжа.
Лекин туркий[1] тилда келди бу нақш ажаб,
Бу сўз Даман[2] жодусида боғлагай лаб.
Осмондан мақтов ёғсин у қаламга,
У қаламдан келди гўзал сўз оламга.
Кечирсинлар форси тилда дур терганлар,
Дариз. тилда назм инжусин келтурганлар.
Агар ул ҳам назмин ёзса дари тилда,
Қолмас эди сўз айтишга куч ҳеч элда...
Бошқа тилда нукталарни сўйлади ул.
Ақл учун етукликка қолмади йўл.
Сенинг юксак табинг билан сўз устоди,
Қаламингнинг калиди-ла сўз кушоди.
Сўз юзининг порлоқлиги учган эди,
Хазина ҳам юкин боғлаб кўчган эди.
Сўзамоллиқ майдонига сен сурдинг от,
Қайта бошдан сўзнинг юзи порлади бот.
Сенинг ақлу фикринг билан сафо топди,
Э Навоий, лутфинг билан наво топди.

Ғафур ҒУЛОМ таржимаси.

1. Туркий — ўзбекча.
2. Даман — Шимолий Эрондаги бир тоғ.
3. Дари — тожик тили.

НАВОИЙ ЖОМИЙ ҲАҚИДА

(«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН»ДАН)

...Чун илминг баҳриға тушиб мавж,
Бу етти ҳубоб уза тутиб авж.
Хомангдин дурри маъни оқиб,
Сўз силкига нутқунг они тоқиб.
Килкинг жавфида сайр этиб ул,
Ул нову бу дур хиромиға йўл.
Ул йўл аро корвони маъни
Балким келибон жаҳони маъни.
Чу хаафдин айлабон қадам фард,
Олам юзида бўлур жаҳонгард.
Яъни тутубон жаҳон юзини,
Бал арсаи осмон юзини.
Ҳам назминг насрдек келиб хўб,
Ҳам насринг назмдек дилошўб.
Бу назминг ила насринг сипоҳи,
Олам юзини тутуб камоҳи.
Гар «Хамса»ни этмай мураттаб,
Килкинг яна сўз қилиб мураккаб.
Ул дамки хароши хома қилдинг,
Ўзга нима нақши нома қилдинг.
Лекин киши бўлса фикрат андеш,
Ул ганжга ҳам эрур адад беш.
Чун «Силсила»1 айладинг ҳувайдо,
Юз ақлни қилдинг анда шайдо.
Чун тўҳфани эл балоси эттинг,
Жон тўҳфаларин фидоси эттинг.
Чун «Субҳа»ни килкинг этти тавзиҳ,
Солдинг малак ичра зикри тасбиҳ.
Чун қилдинг «Аҳсанул-қасас» фан,
Ул қисса улусқа бўлди аҳсан.
«Девон»ники айладинг муҳайё,
Сочғи бошиға гуҳар сурайё.
Кўргуздунг тортмай ғаму ранж,
Беш ганжларига бўйла беш ганж.
Назминг сифати баёндин ортуқ,
Насрингники дерман ондин ортиқ.
То нукта улусқа ном бўлғай,
Файзи анинг элга ом бўлғай.
Файзинг била баҳраманд олам,
Олам эли поймоли мен ҳам.

1. Жомий достонлари номининг бош сўзи.

ФОНИЙ

ЖОМИЙГА ТАТАББУЪ

Табассумдан агарчи лабларингда қанду болинг бор,
Ва лекин ғамза тиғи бирла айларсан дилим абгор.
Лабинг остида холму ёки ошиқ қатлига ҳужжат,
Сиёҳни муҳр босмоқлик учун унга қилибсан ёр.
Кўнгил қасдига жоно, кўрсатурсан оқ билакларни,
Менинг кўнглим учун енгингда сақла сен уни зинҳор.
Кимики суҳбат ичра сенга боқмаскан уни ҳайда,
Сенга базм аҳли қурбон, бунча ғамгин бўлма эй, дилдор.
Бу гулнинг ғунчасида хандадан бошқа бирор гап йўқ,
Нега эй, булбули бечора сайраб, тортасан озор?
Ниёз аҳлига кўп ноз этма эй,дилбар, билурсанки
Гўзаллик оламида ҳарна бўлса сендадир тайёр.
Безатмиш сабзаи хаттингни кўркам ранг-баранг гуллар,
Қани, айтчи, бу гуллар лолами, райҳонми, ё савсор?
Дедим мен лолаю райҳон шунингчунки латофатда,
Тўлин ойдек юзингда ҳам униси, ҳам буниси бор.
Қорайтирдинг у шаҳло кўзларингни сурмадан, гўё—
Фақирлар хонумонини қорайтирмоққа қасдинг бор.
Сира ҳам энди мен бутхонадан чиқмасман, эй зоҳид,
Нечунки динни барбод айладим бир бут учун такрор.
Фаланка эҳтиёжинг йўқ, дилинг дарёсида Фоний,
Само юлдузларидан ҳам зиёд гавҳарларинг бисёр.

МУХТАРАЪ

Шундай олам истагумки аҳли олам бўлмасин—
Ундаю ҳам олам аҳли зулмидан ғам бўлмасин,
Унда на кундузда мазлумлар кўзида сели қатл,
Ҳеч ғарибнинг киймиши тунларда мотам бўлмасин.
На фалак бедодидан унда кўнгилда юз алам,
Дил жафо тиғила чок, муҳтожи марҳам бўлмасин.
Ҳам парилар тўдасики, одамийликдан йироқ,
Ҳамда девсират, бироқ суратда одам бўлмасин.
Бунга етмоқ мушкил эркан, йўқса юр майхонага,
Йўқ синиқ унда сополки жоми ул Жам бўлмасин.
Лоларанг май қуй сен ул юксак, мусаффо жомга,
Йўқ ҳисоб то тўнтарилган унда торам бўлмасин.
Томчи қолдирмай ўшал жомини сипқар тамом,
Худди дўзах қаъридек остида бир нам бўлмасин,
Токи дунёнинг ёмон-яхшисидан дил тинчибон,
Сарҳисоби йўламоқ бирлан зиёд—кам бўлмасин.
Фониё, дунё иши ҳақида кўп сурма хаёл,
Ҳал бўлур ҳар бир муаммо, қанча мубҳам бўлмасин.

Васфий таржималари.

Ўзбекистонда зўр муваффақият билан давом этаётган тожик адабиёти ва санъати декадаси қатнашчиларидан бир группаси Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номидаги колхоз меҳнаткашларининг азиз меҳмони бўлдилар. Тожик маданиятининг ҳурматли вакиллари колхоз деҳқонларининг ҳаёти ва хўжаликда шу кунларда олиб борилаётган қизғин меҳнат жараёни билан яқиндан танишдилар. Суратда: Ўн кунлик қатнашчиларини колхоз Маданият саройида шоду-хуррамлик билан кутиб олиниши.

Қ. Розиқов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Абдулла ҚАҲҲОР

Совет адабиёти, Ўзбекистон социалистик маданияти оғир жудоликка учради — ўзбек бадиий прозаси ва драматургияси тараққиётига катта ҳисса қўшган Абдулла Қаҳҳор вафот этди.

Абдулла Қаҳҳор 1907 йили Қўқон шаҳрида туғилди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси оддий захматкаш — темирчининг фарзанди атоқли совет ёзувчиси бўлишига жуда катта ёрдам берди. Абдулла Қаҳҳор ўз фаолияти бошларида совет журналистикасининг катта мактабидан ўтди. Унинг илк асарлари газета ва журнал саҳифаларида босилди.

Абдулла Қаҳҳор она тили адабиёти анъаналарини теран эгаллаб. шунингдек Гоголь ва Чеховдан. Толстой ва Горькийдан ижодий ўрганиб, кўп ажойиб ҳикоялар яратди ва бу жанрнинг эътироф этилган устаси бўлиб қолди. Ўнларча ҳикоя тўпламларининг муаллифи бўлган Абдулла Қаҳҳор кичик эпик формадаги ўз асарларида кишилар онгидаги зарарли ўтмиш сарқитларини қаттиқ туриб фош этди, яхшиликка ўргатди. Унинг Ватан уруши давридаги ҳикоялари фронт қаҳрамонлари ва мамлакат ичкарисидаги захматкашларнинг жасоратларини тараннум этди. У ўз ҳаётининг сўнгги кунларига қадар қаламини қўлдан қўймади, актив ижодий ва ижтимоий иш олиб борди.

Абдулла Қаҳҳор ҳаммага машҳур «Олтин юлдуз», «Синчалак», қиссаларининг муаллифидир. Абдулла Қаҳҳор автобиографик қиссаси — «Ўтмишдан эртаклар» учун Ҳамза номидаги республика мукофотини олишга сазовор бўлди. Ўзбек совет романчилиги тараққиётида муҳим роль ўйнаган «Сароб», «Қўшчинор чироқлари» романлари ҳам унинг қаламига мансубдир.

Абдулла Қаҳҳор ахлоқ, одоб мавзуида бир қанча комедиялар яратди. Улар орасида «Оғриқ тишлар», «Аяжонларим» бор. Абдулла Қаҳҳорнинг Мирзачўлни ўзлаштирувчиларга бағишланган «Шоҳи сўзана» комедияси Ватанимиздан ташқарида ҳам жуда машҳурдир. Бу асари учун Абдулла Қаҳҳорга СССР Давлат мукофоти берилган эди.

Абдулла Қаҳҳор ўзбек халқи қардош адабиётларнинг энг яхши асарларидан баҳраманд бўлиши учун кўп иш қилди. У Пушкин, Гоголь, Толстой, Чехов, Горькийнинг бир қатор асарларини, қардош совет республикалари ёзувчиларининг кўп китобларини ўзбек тилига таржима қилди.

Абдулла Қаҳҳор республиканинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашди. Партия ва халқ Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий фаолиятини юксак баҳолаб, унга Ўзбекистон Халқ ёзувчиси фахрий унвонини берди. У икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ҳамда «Ҳурмат Белгиси» ордени билан тақдирланган эди.

Истеъдодли ёзувчи, коммунист, ҳормас захматкаш Абдулла Қаҳҳорнинг ёрқин хотираси қалбларимизда умрбод қолажак.

Ш. Р. РАШИДОВ, Е. С. НАСРИДДИНОВА, Р. Қ. ҚУРБОНОВ, В. Г. ЛОМОНОСОВ, Р. Н. НИШОНОВ. С. О. АЗИМОВ, ОЙБЕК, АСҚАД МУХТОР, С. П. БОРОДИН, В. Й. ЗОҲИДОВ, ЗУЛФИЯ, Л. П. ҚАЮМОВ, МИРМУХСИН, МИРЗО ТУРСУНЗОДА, РАҲМАТ ФАЙЗИЙ, УЙҒУН, А. А. УДАЛОВ, С. Ш. ШЕРМУҲАМЕДОВ, К. Н. ЯШИН.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг дафн маросимини ўтказиш учун Р. Н. Нишонов (раис), С. О. Азимов, К. Н. Яшин, А. В. Ушнурцев, А. А. Удалов, Х. Е. Ёқубжонова ўртоқлардан иборат ҳукумат комиссияси туздилар.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОРНИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИНИ УЮШТИРУВЧИ КОМИССИЯДАН

Марҳум Абдулла Қаҳҳорнинг жасади солинган тобут 1968 йил 26 майда Ўзбекистон Давлат филармонияси (Правда Востока кўчаси, 10-уй) биносига қўйилади.

Марҳум Абдулла Қаҳҳор билан видолашиш учун меҳнаткашлар соат 15.00 дан 17.00 гача киритилади.

Дафн маросими 1968 йил 26 майда соат 18.00 да Чиғатой қабристонида ўтказилади.

ЭРТАГА АФҒОНИСТОННИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

ҚАДИМИЙ ДЎСТЛИК САМАРАЛАРИ

Бундан 49 йил муқаддам, 1919 йилда афғон халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши кўп йиллик кураши натижасида мустақил Афғонистон давлати вужудга келди. Бу тарихий воқеа — афғон халқининг мустақиллик байрами Совет Иттифоқида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам кенг нишонланмоқда.

Бизнинг афғон халқи билан дўстлигимиз қадим замонлардан — ҳар иккала халқ ўртасида эришилган фан ва маданият ютуқларини бирга баҳам кўришдан, озодлик ва бахт-саодат учун олиб борилган курашлардан бошлангандир. Ерларимиз ҳам бир-бири билан туташиб кетган, бир дарёдан сув ичамиз.

Афғон халқи билан ўзбек халқининг дўстлиги Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг мазмун касб этди. Бу дўстлик 1921 йили Афғонистонни биринчи бўлиб таниган РСФСР ҳукумати билан Афғонистон ўртасида имзоланган ва кейинги даврларда тегишли шартномалар билан давом эттириб келинаётган маданий ва иқтисодий ҳамкорликка асос солди.

Совет Иттифоқи билан дўстлик, ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар Афғонистон экономикасини ривожлантиришда, афғон халқининг халқ хўжалиги турли тармоқларини тараққий эттиришида жуда катта самаралар бермоқда. Совет Иттифоқидан Афғонистонга бориб саноат корхоналари ва суғориш иншоотлари қуришда беғараз ёрдам бераётган мутахассислар меҳнати зўр мамнуният билан қайд қилинди.

Маълумки, Афғонистон экономикасида қишлоқ хўжалиги ва кам тараққий этган қайта ишловчи саноат муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакат аҳолисининг 90 процентга яқини қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Ҳозирга қадар Афғонистон ялпи миллий маҳсулотининг асосий қисмини ва Афғонистон экспортининг асосий қисмини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташкил этади. Бу ерда узумчилик ва боғдорчилик бирмунча ривожланган. Қишлоқ хўжалигининг иккинчи муҳим тармоғи чорвачиликдир. У мамлакат экономикасидаги аҳамияти жиҳатидан деҳқончиликдан қолишмайди.

Афғонистон миллий саноати мамлакатнинг саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг атиги 25-30 процентинигина қондирмоқда. Бунинг сабаби шуки, саноат корхоналарининг кўпчилиги кейинги йилларда қурилган, баъзилари эса биринчи беш йилликда тикланган ёки реконструкция қилинган.

Иккинчи беш йиллик планда мўлжалланган кўпгина саноат корхоналари ҳам фойдаланишга топширилган. Бунда Совет Иттифоқи томонидан берилаётган иқтисодий ва техникавий ёрдамнинг улуши каттадир. Ҳозир Афғонистонда чинни ва совунгарлик заводи, Жалолобод қанд заводи, Мозори Шариф, Маймана, Шибирғон, Давлатобод ва Ҳирот гиламчилик фабрикаларининг маҳсулотлари бутун жаҳон бозорида жуда манзур бўлмоқда. Афғонистон йилига 200 минг квадрат метрга яқин ранг-дор ва чиройли гилам экспорт қилади.

1924—1927 йилларда совет мутахассислари ёрдами билан Кушка — Ҳирот — Кандахор ҳамда Қобул — Мозори Шариф линияларида телефон телеграф алоқаси ўрнатилди. 1927—1928 йилларда Ҳирот пахта тозалаш заводи ва электр станцияси қурилди. 1954 йилда Совет Иттифоқи Афғонистонга Қобулдаги нон комбинати, Пули Хумридаги элеватор, Қобулдаги асфальт-бетон заводини қуриш ва Афғонистон пойтахтини асфальтлаш ишларига 5,6 миллион доллар миқдорида қарз берди. Бу қарз шартлари ҳам Афғонистон учун жуда қулай бўлиб тушди, 1956 йилда эса ҳукуматимиз Афғонистонда 30 йил ичида тўлаш шарти билан бир неча ўн миллион доллар миқдорида яна қарз берди.

Совет Иттифоқи бераётган беғараз ёрдам Афғонистон миллий экономикасини ривожлантириш, маданиятини тараққий эттириш ва афғон халқининг фаровонлигини янада яхшилаш мақсадига қаратилгандир. СССР ва Афғонистон ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишида 1959 йили тузилган Совет — Афғонистон ва Афғонистон — Совет дўстлиги ва маданий алоқалар жамияти муҳим роль ўйнамоқда. Совет—Афғонистон дўстлигини мустаҳкамлашда республикамизнинг ҳам ҳиссаси каттадир.

Ўзбекистоннинг турли муассасалари, лойиҳалаш ташкилотлари ва мутахассислари Афғонистонда кўплаб қурилиш объектларини лойиҳалаш ва қуришда, миллий кадрлар тайёрлашда ҳам иштирок этмоқдалар. Тошкентлик инженерлар ва «Средазгипроводхлопок» илмий-текшириш институти ходимлари томонидан лойиҳалаштирилган Жалолобод суғориш канали қурилишида ўнлаб ўзбек мутахассислари қатнашди. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ана шу муҳим иншоот қурилишини ўз зиммасига олган ва унинг бош ижрочиси эди. 1963 йилда Совет Иттифоқи ва Афғонистон ўртасида мамлакатнинг шимолий районларида топилган табиий газни қазиб чиқариш ишларини ташкил этиш ва Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами тўғрисида тузилган шартнома Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шартномага биноан афғон гази СССРга экспорт қилиниши мўлжалланаётир.

Бу газдан биринчи навбатда Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари баҳраманд бўлади. Ўзбек халқи Афғонистон халқи билан маданий алоқаларни ҳам янада кенгайтириш имконига эга бўлади. Шу мақсадда 1963 йили Совет— Афғонистон маданий алоқалар жамиятининг Ўзбекистон бўлими ташкил этилган. Бўлим республика жамоатчилигининг жанубдаги қўшнимиз— Афғонистон ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришга, афғон халқи билан маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Бугун Афғонистоннинг мустақиллиги кунига 49 йил тўлиши арафасида ўзбек халқи афғон халқининг миллий экономикани ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатни индустрлашган ўлкага айлантириш учун курашида жуда катта муваффақиятлар тилайди.

Х. ТУХТАСИНОВ,
Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамиятининг референти.

СОТУВЧИНИНГ «САЗАСИ ЎЛМАСИН»

Наманган шаҳар ремонт қурилиш бошқармасининг прораби Г. Ш. Капанадзе 5-Гулистон кўчасидаги озиқ-овқат магазинига кириб харид қилаётганда сотувчи унга 2-пул-буюм лотереясидан олишни таклиф этди. Сотувчининг «сазаси ўлмасин» деган ўйда Г. Капанадзе олти дона лотерея билети олди.

... Г. Капанадзе ишдан уйига қайтиб келаётганда уни йўлакда қизи Жамила учратиб «дада, суюнчи беринг, қўйимиз иккита қўзилади», деди. Капанадзе костюмни ечиб қўзиларни кўришга улгурмасдан стол устига почтальон ташлаб кетган «Совет Ўзбекистони» газетасини қўлига олди. Оила аъзолари иштирокида текширилган лотерея билети иккинчи катта қувончли ҳодисага сабаб бўлди.

Капанадзе 1968 йил чиқарилган 2-пул-буюм лотереясининг 029 серия 30564 номерли билетга «ВОЛГА» автомашинаси ютди.

М. РАҲИМОВ.

Исроил қўшинлари Иорданиянинг чегара районларини ўққа тутишни давом эттирмоқда. Кўплаб тинч аҳоли ҳалок бўлаётир. Чапдаги суратда: Иорданиянинг шимолидаги Кмейм қишлоғидаги вайроналар.

Б. Уронов фотоси. (ТАСС).

Вьетнам халқига кимки агрессив ҳужум қилса, шундай жон беради.

АП—ТАСС телефотоси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **Мехикода чиқадиган «Новедадес» газетасининг бош мақоласида, Мексика дўстлик ва ўзаро ҳурматлаш асосида Совет Иттифоқи билан савдо, илмий ва маданий муносабатларни мустаҳкамлаши ва кенгайтириши лозим, дейилади.**

● **Вьетнам информация агентлиги хабар беради: аниқланган маълумотларга кўра, 22 майда Нгеан вилояти устида Американинг учта самолёти уриб туширилди.**

● **Қашшоқларнинг Вашингтонга қилган юришида қатнашганлардан бир неча юз киши кўп болали оилаларга ёрдамни чеклаб қўювчи қонунларнинг бекор қилинишини талаб этмоқ учун конгресс биносига келишди. Американинг ҳукумат маъмурлари қашшоқлар юриши қатнашчиларига қарши жазо чораларини кўра бошладилар. Полициячилар намойишчиларни конгресс территориясида «ғайри қонуний тўпланиш»да айблаб, 80 га яқин кишини қамаб қўйдилар.**

● **Франциянинг умуммеҳнат-конфедерацияси меҳнаткашларнинг энг зарур талабларини қондириш тўғрисида дарҳол музокаралар бошлашни ҳукуматдан ва корхоналарнинг хўжайинларидан талаб қилди. Умуммеҳнат конфедерациясининг бош секретари Ж. Сеги конфедерация баёнотини матбуот конференциясида ўқиб берди.**

● **АҚШнинг олтин запаси тобора камаймоқда. Молия министрлигининг хабарида айтилишича, апрель ойи ичида мамлакатдаги олтин запаси яна 156 миллион доллар миқдорида камайган. Ҳозирги вақтда олтин запаси 10 миллиард 547 миллион доллардан иборат бўлиб қолди. 1966 йилдан кейин олтин запаси шу қадар камайиб кетмаган эди.**

(ТАСС).

ОБ-ХАВО

Бугун кундузи Қорақалпоғистон АССР, Хоразм областида ҳаво булутли бўлса-да, ёғин гарчилик бўлмайди. Шимоли-шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсиб туради. 29-34 даража иссиқ бўлади. Ўзбекистоннинг қолган территориясида ҳавонинг ўзгариб туриши, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши кутилади. Жануби-ғарбдан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсади. 25-30 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, момақалдироқ бўлиши мумкин, лекин ёғингарчилик кутилмайди. Секундига 3-7 метр тезликда кучсиз шамол эсиб туради. Ҳарорат 26-28 даражага етади.

„ТАРАҚҚИЁТ ҲАҚИДА ГАПИРАЙИН..."

Қўшма Штатларда мулкдорлар энсалари қотиб, бу миллион-миллион қора америкаликлар нима учун ғазабга келишди, нима учун АҚШда ҳар йили ёзда негрларнинг геттосидаги ҳаяжонланиш ва қўзғолонлар саратон чилласидан ҳам ўтиб кетяпти, деб ҳайрон қолгандек бўлишади. Ахир, деб ўйлайди улар, Вашингтон «рангли аҳолининг тараққиёти» ҳақида доим жон куйдиради-ку. Америка маданиятининг фахри, негр актёри, озодлик ва тинчлик учун курашчи Дик Грегори мақталган бу «тараққиёт»нинг башараси аслида нимадан иборат эканлиги, АҚШ негрларининг кўнглида нима гаплар борлиги ҳақида шундай ҳикоя қилади.

Дўстим магнитафонни қўйди. Аввалига жуда кўп овозларни эшитдим. Мана, овозлар бора-бора тиниб, кимдир эълон қилди:

—Хонимлар, жентельменлар! Дўстлар! Сўз меҳмонимиз Дик Грегорига.

Ричард Грегори, ёки оддий қилиб айтганда Дик Грегорининг номи америкаликларга яхши маълум. У негрларнинг комик актёри, катта талант эгаси, ажойиб инсон. Ҳозир уни собиқ комик актёр дейишади. Гап шундаки, Дик Грегори бир неча йиллардан бери ўзининг бутун куч-ғайратини негрларнинг гражданлик ҳуқуқлари учун ва Американинг Вьетнамдаги агрессиясини тўхтатиш учун курашга сарфламоқда. Ҳозир уни аксарият телевизорларнинг экранларида учратасиз. Учратганингизда ҳам шўх телеэшиттиришларда эмас, балки сўнгги ахборот қисмида кўрасиз. Мана, у ишсиз, бошпанасизларнинг йиғинларида сўзга чиқмоқда. Мана, полициячилар унинг қўлини қайириб боғламоқдалар. Мана, у турма панжараси ортида. Театрларнинг хўжайинлари ўз эшикларини Дик Грегорининг юзига шарт ёпиб қўйдилар. Аммо унинг ихлосмандлари тобора кўпаймоқда. У ҳали ҳам ҳазилкаш. Лекин унинг ҳазилларида ҳозир заҳархандалик устунлик қилади. Комик Грегори энди курашчи Грегори бўлиб қолди. Мен уни ўтган йили кузда Алабама штатида кўрганман. Ўшанда менга бундай деган эди:

— Латифа айтиб қорни тўқларнинг кўнглини овлаш жонимга тегди. Менинг ўрним оч-яланғочлар сафида.

Яқинда уни Америка бадавлат хонадонларининг фарзандлари ўқийдиган Йельск университетининг студентлари таклиф этишди. Бу оқ танли зодагонларнинг эркатойлари бизни кулдириб ўтирсин деб зиёфатга таклиф қилишган экан. Ўша вақтда АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши норозилик билдириб, очлик эълон қилганига 32 кун бўлган эди. Грегори университетда айтган гапларини эшитмагандим. Лекин дўстларимнинг бири унинг магнитафонга ёзиб олган нутқини менга эшиттирди.

* * *

— Мен бу ерга, — деб сўз бошлади Грегори, — сизни бирон бир нарсага ишонтириш учун келганим йўқ. Мен сизни баъзи нарсалардан хабардор қилиб қўйиш учун келдим. Билмадим, мени тушунармикинсизлар. Аслида, бунинг менга фарқи йўқ. Мен бу ерга сизлардан негрларнинг аҳволини бир оз енгиллаштиришга ёрдам сўраш учун ёки ўзим учун бирон бир илтимос билан келганим йўқ. Мен мамлакатимизда нима воқеалар бўлаётганлигини бир билдириб қўяй, деб келдим, холос.

Менинг эътиқодимга кўра, Америкага таҳдид солаётган энг биринчи проблема — бу ҳавонинг ифлосланиб кетаётганлиги проблемаси эмас, балки одамларнинг маънавий ифлосланиб кетаётганлиги проблемасидир. Бу аудиторияда Америка энг биринчи ирқчи мамлакат эканлигини тан олсак ҳам, очиқ гаплашиб қўяқолайлик. Америка халқи ирқчи эмас, балки Америка, унинг социал тузилиши, унинг расмий идеологияси ва расмий хулқ-атвори ирқчи. Американча яшаш образини шакллантираётгани ҳам худди мана шу ирқчи идеология ва буржуа ахлоқининг ўзи. Шу яшаш образи баъзилар учун ҳаводек зарур бўлса, баъзилар учун ёт нарса. Буни тушуниб етиш учун, сизлар негр болаларини оқларнинг мактабларига кириб ўқиши учун мамлакатимизнинг узоқ жанубий қисмида кураш олиб борган кунларимизда мен билан бирга бўлганларингда жуда фойдали бўлур эди.

Ўшанда оқ танли ота-оналар:

— Бу қоралар бизнинг мактабларимизга яқинлашиб кўрсин-чи!, — деб таҳдид қилишди.

Қўрқувни енгиб, биз ҳам ҳеч нарсадан ҳайиқмаслигимизни кўрсатиб қўйиш керак эди. Негр оиласи болаларини оқ танлилар мактабига киритишга муваффақ бўлгандан кейин, қониққандай бўласан, киши. Олти ёшли боланинг қўлидан ушлаб, машинага ўтқазиб, мактабга олиб бориб қўясан. Болалар илк бор мактабга боришганда ўзларини қандай тутишади? Яхши кўрган ўйинлари ва ўртоқлари ҳақида гапиришадими? Сен-чи? Сен эса балки шу боланинг кўз ўнгида ярим соатдан кейин ўлиб кетишинг мумкинлиги ҳақида ўйлайсан.

Мактаб олдида сени полициячи тўхтатиб, бундай деб сўрайди:

— Қаёққа тиқиляпсан, ниггер»*

Сен, боламни мактабга олиб келдим, деб жавоб берасан.

— Бу ерда тўхташ мумкин эмас. Туёғингни шиқиллатиб қол, — дейди полициячи.

Шундай қилиб, машинани бир неча квартал нарида тўхтатиб, сени мактаб ёнида энсаси қотиб кутиб турган оқ одамларнинг олдига борасан. Бу қанчалик узоқ йўл! Шу сўнгги қадамлар қанчалик оғир, кафтингда олти ёшлик боланинг ёпишиб қолган қўли қандай титраб турганлигини сезиш нақадар оғир Сен қўлинг қандай терлаб кетаётганлигини сезиб турасан, чунки сени кутиб турган одамларни кўриб турасан, кўриб туриб ҳозир нима бўлишини дарҳол пайқаб оласан.

Биринчи бўлиб сенга зарбани ўша кутиб турган аломон эмас, полициячи беради Зарбдан асфальтга гурсиллаб тушасан, кўкрагингда полициячининг зил оёғини сезасан, милтиқнинг сенга ўқталиб турган оғзига кўзинг тушади. Айни вақтда қулоғингга:

— Қаёққа тиқиляпсан, ниггер! Шу қора каллангдан миянгнинг қатиғини чиқариб қўяман! — деган ғазабнок дағдағани эшитасан.

Қўрқинч босади Ҳа, қўрқиб кетасан, киши.

Лекин орадан бир зум ўтгач, энди ўлиш навбати сенга келганлигини англаб, қўрқмай қўясан ва ҳатто ҳеч кимга кераги йўқ фотосурат олаётган ФБРнинг агентини кўриб қоласан. Сен ўлимдан қўрқмай қўясан, лекин энди ўз кафтингда олти ёшли боланинг жажжигина қўллари тафтини сезмай қолишингдан қўрқасан, киши. Кўзинг жовдираб ёш дўстингни қидирасан. Шу пайтда ғишт парчаси билан унинг юзига ураётган бўлишади.

Мен бу ерга келиб, сизларга ҳаёт нима эканлигини билмайсизлар, деяётган эканман, мендан хафа бўлманглар, ёш дўстларим. Сизларнинг мияларингиз тарихий фактлар ва илмий маълумотлар билан тўла, лекин сизлар ғишт парчаси олти ёшли боланинг юзига келиб, уни ерга чилпарчин қилганини кўрмагунингизча ҳаёт нима эканлигини барибир билмайсиз. Бирон нарсага ақл етиб, ишонч ҳосил қилиш учун ана шуларни ўз кўзингиз билан кўришингиз керак. Бола ўрнидан ирғиб туриб, ўзини одамлар орасига уради Бу унинг биринчи ва табиий ҳаракати. У паноҳ истаб, ўзини катталар орасига уради. Аммо, улар бўкириб, унинг қонли юзига тупуришганда даҳшат ичида ўзини орқага ташлайди. Устига устак, яна бир нарса алам қилади. Ҳалиги воқеалардан кейин полициячиларнинг машинасига сизни итариб чиқаришгандан кейин анови оқ танли аёл жазаваси тутиб, зонд билан олти ёшли негр боласининг юзига ураётганини кўриб қоласан. Ўлганнинг устидан тепган, деб шуни айтадилар-да.

Мана, жаноблар, сизлар ўзларингизнинг оппоқ, озода синфларингизда ҳеч нарсадан бехабар, бахтли онларнинг гаштини суриб, билим олаётганингизда Стокли Кармайкль билан Рэп Браунлар* ана шундай кунларни бошларидан кечиришган. Сизлар ҳаётнинг ана шундай аччиқ-чучук томонларини татиб кўрганларингда, ишонаманки, ўтирганларингиздан ярмингиз шу ситамларга чидамай ўз ҳаётингизга қасд қилган, қолган ярмингиз эса бу мамлакатни остин-устин қилиб юборган, унга ўт қўйиб юборган бўлар эдингиз.

— Энди мен сизларга тараққиёт ҳақида гапириб берайин, — деб давом этди сўзини Дик Грегори. — Ҳа, бизнинг сиёсатдонларимиз оғиз кўпиртириб гапиришни яхши кўрадиган тараққиётдан гапирайин. Менинг олтита ёш болам бор. Оилада фарзанд кутиладиган бўлса, ҳар сафар халқимнинг тараққиёти ҳақида ўйлайман. Ахир, бундан юз йил муқаддам негр аёли қорнида мурғакнинг қимирлашини сезгудек бўлса, жуда маъюс бўлиб кетарди. У Исо пайғамбарнинг ҳайкали олдида тиз чўкиб, ишқилиб болам чўлоқ ёки бирон бир айб билан туғилсин деб, илтижо қиларди. Унинг ёнида эри ҳам тиз чўкиб, икковлон бундай деб нидо қилишарди:

— Э, худо, ироданг билан, ўғлимиз ё чўлоқ, ё букир бўлиб туғилсин, агар у соғлом, бақувват ва чиройли бўлиб туғилса, уни биздан олиб қўйиб, бошқа хўжайинга сотиб юборишади.

Шу аудиторияда ўтирган келишган қизлар, бўлажак оналар, мен айтган ҳозирги нарсаларнинг маъносини чақиб кўриш учун тасаввур кучингизни ишга солиб, сиз ҳам ана шундай илтижо қилиб кўринг.

Негр аёли она бўлгач, унинг биринчи сўзлари, илк бахтиёр сўзлари фарзандининг отасига қаратилган бўлиб, бундай дерди:

— Севгилим, олл-о тоало илтижомизни қабул қилибди. Чақалоғимизнинг боши қизиқ-а?

Кейин улар фарзандлари бошқа хўжайинга қул қилиб сотилмайдиган бўлиб туғилганидан хурсанд бўлишиб, кўз ёши тўкишарди.

Мен сизларга олти боламиз борлигини, хотиним иккимиз, ҳалигиндай илтижолар қилмаганимизни айтиб ўтгандим. Сўнгги юз йил давомидаги тараққиёт меваси ана шу!

Айтганча, жуда ҳам унчалик эмас. Бошқа соҳаларда ҳам тараққиёт бор. Автомобиль қироли Генри Форд яқинда 6 минг негрни ишга олганлиги ҳақидаги хабарни газеталардан ўқигандирсиз балки? У негрларни одатдаги имтиҳонларсиз ишга олибди. Имтиҳонларнинг қанақа эканлигини эса ўзингиз биласиз. Ярим аср мобайнида бутун дунёдаги социологлар Форд шу айёр имтиҳонлар туфайли негр ишчиларини ўз дастгоҳларидан узоқда тутганлигини ёзиб келдилар. Энди бўлса, Форд имтиҳонларни бекор қилибди! Нима учун? Шунинг учунки, негрлар исёнининг алангаси Форд заводларининг деворларини қамрай бошлади

Сизлар исёнлар жуда ярамас нарса, дейсизлар Лекин мана буни ҳам эшитиб қўйинг. Америка либераллари Фордниьг ана шу таҳқирловчи имтиҳонларини бекор қилиш учун 25 йил мобайнида беҳуда уриндилар. Детройддаги исён атиги олти кун давом этди Яъни, ҳар куни бир мингдан негр иш ташлади демак. Атиги олти минг негр ишга қабул қилиниши учун неча ўнлаб негрлар ҳалок бўлди, минг-минглаб негр яраланди. Бу тараққиёт эмасми?!

Агар умуман Америка ҳақида гапирадиган бўлсак, у менинг кўз ўнгимда муздек бузуқ автоматни эслатади. Бу автомат бутун қувватингизни суғириб олади-ю, эвазига сизга ҳеч нарса бермайди. Сиз автомат билан дилкаш бўлолмайсиз. Сиз ундан хоҳлаган нарсангизни сўрайверасиз, унинг олдида туриб олиб, илтижо қилаверасиз, аммо у сизни эшитмайди, кўрмайди, жавоб ҳам бермайди. У автомат. Шундайлигича қолади.

Тасаввур қилинг, сиз аэропортда самолётнинг қўнишини кутиб турибсиз. Чеккингиз келиб қолди. Автоматнинг олдиға келиб, унга 40 цент ташлайсиз. Лекин у сизга сигарета бермайди, шунда билет кассасининг олдига келиб шикоят қиласиз:

— Автоматга пул ташласам, сигарета бермаяпти, бузуққа ўхшайди.

— Ёрдам беролмайман, — деб жавоб беради кассир аёл, — менинг ишим билет сотиш.

— Энди нима қиламан? — деб сўрайсиз.

— Бундай ҳолларда қаерга мурожаат қилиш мумкинлиги автоматга ёзиб қўйилган.

Сиз автоматга қайтиб келиб, кўз ташласангиз мана бундай сўзларни ўқийсиз: «Ажойиб шаҳримизга хуш келибсиз! Ўзингизни худди уйингиздагидек ҳис этаверинг! Агар автоматдан ранжиган бўлсангиз, Миссурий штатидаги Канзас-Сити шаҳар, «Гиддингс Жонс» компаниясига мурожаат қилинг».

Худди шу пайтда самолётга чиқиш эълон қилинади. Куппа-кундузи сизни шилиб турган лаънати автоматни нима ҳам қила олардингиз? Хуноб бўлиб, бир тепиб қўясиз. Барибир, пулингизни қайтариб бермайди. Аммо бир тепиб, хордиқ чиқариб жаҳлингиздан тушасиз, холос.

Энди сиз автоматни эмас, автомат сизни тепди деб тасаввур қилинг. Шундай бўлганда самолётда бирор томонга бориш иштиёқи ҳам қолмайди. Сизда бу машинани кўчага улоқтириб, пачоқ-пачоқ қилиб юбориш иштиёқи туғилади.

Шунинг учун ҳам мен Американи шафқатсиз, бузуқ автомат дейман. Биз 40 цент ташлаганимиз йўқ. Асло! Биз унга бир неча асрлик умримизни ташладик. Эвазига темир автомат оёқнинг узлуксиз тепкиларини едик. Биз кассага минг марталаб мурожаат қилиб, автоматнинг муттаҳамлигидан шикоят қилдик, эвазига эса узоқ Канзас-Сити шаҳридаги «Гиддис Жонс» деган сирли фирмага мурожаат қилинг» деган жавоб олдик.

Энди сабр косаси тўлиб, тоқатимиз тоқ бўлди, энди ҳеч қаёққа учмоқчи эмасмиз. Биз ана шу лаънати машинани кўчага улоқтириб ташлаб, мажақлаб ва майдалаб ташламоқчимиз. Биз ана шундай қилмоқчимиз! Мана бу тараққиёт бўлади. Менга ишонаверинг, тараққиёт мана бунақа бўлади.

* * *

Бир зум жимлик чўкди. Фақат дискалар айланиб, лентанинг шириллаган овози зўр-базўр эшитилади. Кейин кимдир ҳалиги гапларнинг таъсиридан «Б-уу!» деб қичқирди. Кимдир қаттиқ хуштак чалди, кимдир полни тепа бошлади ва бирдан қарсаклар садоси янгради. Мана, бир минут ўтди. Икки, беш минут ўтди. Ҳамон қарсаклар янграйди. Йельск университетининг студентлари ўринларидан туриб, Дик Грегорини кузатишди. У зиёфатга қолмади. Чунки ўша кунлари Вьетнамдаги Америка урушига қарши норозилик билдириб, очлик эълон қилган эди.

Б. СТРЕЛЬНИКОВ,
(«Правда» газетасининг ўз мухбири). Вашингтон шаҳри, май.

(«Правда»нинг шу йил 23 май сонидан олинди.).

* Негрларни ҳақоратлаб айтиладиган лақаб.

* Негрлар ҳаракатининг ёш раҳбарлари.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25—Концерт (химиклар учун), 9.30 — Чолғу куйлари, 10.30 — Химиклар кунига бағишланган эшиттириш ва концерт, 11.15 — «Табассум» (радиожурнал), 12.15 — «Эрталабки салом» (Москва), 13.30 — Эшиттириш ва концерт (химиклар учун), 15.00 — Хатларга жавоблар, 15.10 — Концерт, 17.40 — Экран янгиликлари, 18.00 — Музикали салом, 18.40 — С. Прокофьев. «Рус увертюраси», 19.20 — Халқ қўшиқлари, 20.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 20.30 — Енгил куйлар, 21.00 — Дунё харитаси олдида, 21.10 — Концерт (химикларнинг талабларига мувофиқ), 22.20 — «Табассум» (такрорий эшиттириш), 23.00 — Ўзбекистонда тожик маданияти декадаси кундалиги, 23.10 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 11.00 — **Уйлаб топ** (кичкинтойлар учун), 11.35—**шоҳ Султон ҳақида эртак** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 13.00 — **Экранда — Термиз ўқувчилари**, 13.40 — **Хотин-қизлар учун**, 14.00 — **Буни ҳар ким билиши керак** (рус тилида). 16.55 — **Кўрсатишлар программаси**, 17.00 — **Химиклар кунига бағишланган эшиттириш**, 17.40 — **Азамат ўлка ёшлари** («Ёшлик» студияси), 18.40 — **Ахборот** (рус тилида), 19.10 — **Ўзбекистонда тожик адабиёти ва санъати декадаси. Б. Кимёгаров ижодига бағишланган эшиттириш**, 20.10 — **Навоий элларда, диллар-да** (А. Навоий туғилган куннинг 525 йиллиги олдидан), 21.10 — **Ахборот**, 21.40 — **Буэнос Айреснинг оддий ҳаёти** (ҳужжатли фильм), 22.00 — **Тоҳир ва Зуҳралар тўйи** (музикали лавҳа).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 дан — **Фрунзе кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 26/V да **Ватан фарзанди**, 27/V да **Ромео ва Жульетта** (С. Айний номли Тожикистон опера ва балет театрининг спектакллари).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/V да **Навоий Астрободда**, 27/V да **Қалам қошлигим.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 26/V да **Тожикистон санъат усталари кечаси**, 27/V да **Тожикистон Давлат филармониясининг вокаль-рақс рубобчи қизлар ансамблининг концерти.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Андромеда туманлиги — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Сиртаки — «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), **«ЧАЙКА»** (эрталаб соат 11-45, кундуз 1-30 ва 3-15 минутда), **«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ»** (кеч 7, 9 ва 10-40 минутда).

Чехча қотиллик — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), **«ВОСТОК»** (эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6 ва 10 да). **«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ»** (кундуз 1, 3 ва 5 да).

Монпарнас, 19 — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Кул остидаги чўғ — «ЧАЙКА» (кундуз соат 5, кеч 6-45 минут, 8 ярим ва 10 да).

Қизил мантия — «ВОСТОК» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10 яримда бошланади)

«Буланка» пансиони — «РАКЕТА».

1968 йил 10 июнда эрталаб соат 10 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг (К. Маркс кўчаси, 32-уй, 36 аудитория) ижтимоий фанлар бўйича илмий даражалар бериш илмий совети мажлисида тарих фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун

С. Убайдуллаев: «Ўрта Осиё халқларининг биринчи ва иккинчи рус революциялари давридаги революцион ҳаракати (1907—1917 йиллар)» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан университет кутубхонасида (Куйбишев кўчаси, 10-уй) танишиш мумкин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги 1-«УЗСЕЛЬСПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИГА

бош бухгалтер ўринбосари, катта бухгалтер, молия ишлари бўйича катта иқтисодчи

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Куйбишев кўчаси, 31-уй.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26, Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283, Партия турмуши — В33469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — В31216, Халқаро ҳаёт — В37604, Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780, Совет қурилиши — В33258, Қишлоқ хўжалик — В37604, Адабиёт ва санъат — В32036, В37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий ахборот ва спорт — В32347, Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553, Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41 Қарши 3 — 08, Нукус 42 — 62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55

Б № — 121. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р — 08445.